

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 58 (1657), 2026 йил 26 март, пайшанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz_news



МАМЛАКАТИМИЗДА ЗАМОНАВИЙ МОЛИЯ ВА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР СОҲАСИНИ ЖАДАЛЛАШТИРУВЧИ ЙЎНАЛИШЛАР ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 25 март куни Тошкент халқаро молия марказини ташкил этиш, Рақамли технологиялар халқаро маркази фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда банк тизимида исломий молия механизмларини жорий қилиш бўйича тақдимот билан танишди.

Жаҳондаги геосиёсий кескинлашув шароитида инвестицияларни жалб қилиш учун рақобат тобора кучайиб бормоқда. Юртимизнинг бой табиий ресурслари, иқтисодий салоҳияти ва ислохотлари эса бу борада катта устунлик яратмоқда.

— Қўллаб-қувватлаш мақсадида минтақавий хавф-хатарларни баҳолаб, янги бозорларни ўрганиш борада катта устунлик яратмоқда. Шу вазиятда фурсатни бой бермасдан, халқаро молия компанияларини ўзимизга тезроқ жалб қилишимиз шарт, — деди Президентимиз.

Жорий йилда 50 миллиард доллардан зиёд инвестиция жалб қилиш мақсадида эришиш учун инвесторларнинг Ўзбекистон бозорига киришини енгиллаштириш, уларга замонавий инфратузилма, халқаро стандартларга мос ҳуқуқий режим, қўшимча қўлайликлар ва энг муҳими, ишончли ҳамда шаффоф бизнес муҳитини таъминлаш зарур.

Шу борада, тақдимотда мамлакатимиз инвестициявий жозибадорлигини янада оширишга қаратилган учта устувор йўналиш — халқаро молия ва рақамли технологиялар марказларини ташкил этиш ҳамда исломий молия хизматларини жорий қилиш масалалари кўриб чиқилди.

Тошкент халқаро молия маркази муҳокама қилинар экан, ушбу марказ янги турдаги инвестицияларни жалб қилиш ва барқарор иқтисодий ўсишнинг самарали воситаси бўлиши қайд этилди. Ҳисоб-китобларга кўра, 2030 йилгача молия маркази иқтисодиётга қўшимча 20-25 миллиард доллар жалб қилиши, яъни ички маҳсулот ўсишига ҳар йили қўшимча 1 фоизгача ҳисса қўйиши, 15 мингтагача янги юқори малакали иш ўрни яратиши, 10 минг нафар мутахассис малакасини оширишга хизмат қилиши мумкин.

Марказ фаолияти учун махсус ҳуқуқий режим жорий этиш кўзда тутилган. Бунда Англия ва Уэльснинг умумий ҳуқуқий марказ тўртинчидаги қонунга зид бўлмаган даражада таътиқ қилинади, марказнинг бошқарув органлари ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қабул қилиш вазирлига эга бўлади, низоларни кўриб чиқишга иккисолашган Тошкент

халқаро тижорат суди ва халқаро арбитраж маркази фаолияти йўлга қўйилади.

Марказ резидентлари учун капиталнинг эркин ҳаракати ва репатриацияси, эркин валюта операциялари, замонавий тўлов воситалари, жумладан, рақамли активлар билан ишлаш, имтиёзли солиқ режими, соддаштирилган виза тартиби каби кенг имкониятлар яратилиши белгиланган. Молия-инвестиция ва банк фаолияти, сугурта, рақамли активлар, қимматли қоғозлар, тўлов тизимлари ва хизматлари, молиявий технологиялар билан боғлиқ хизматлар марказнинг асосий фаолият йўналишлари бўлади.

Иккинчи йўналиш — “Enterprise Uzbekistan” бренди остида Рақамли технологиялар халқаро марказини ташкил этиш ва ривожлантириш.

Тақдимотда мазкур марказ учун 2100 йилга қадар амал қиладиган махсус ҳуқуқий режим назарда тутилган маълум қилинди. Марказда тартибга солинган “қумдон” доирасида янги ечимларни синновдан ўтказиш, иш ҳақини хорижий валютада тўлаш, халқаро меҳнат стандартларини жорий қилиш, шахсга доир маълумотларни халқаро стандартлар ва булутли технологиялар асосида қайта ишлаш мумкин бўлади. Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш, инвестициялар, стартаплар ва экспорт учун қўлай шароитлар яратилади, божхона ва солиқ бўйича енгилликлар берилади.

Сунъий интеллект технологиялари, рақамли трансформация, тадқиқот ва ишланмалар, сертифицилаштириш, стартаплар ҳамда маълумотлар марказлари ушбу марказ фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгиланмоқда.

Тақдимотда 2030 йилгача мазкур марказ орқали 1 мингтагача компанияни жалб қилиш, 300 миңдан зиёд иш ўрни яратиш ва 5 миллиард долларлик экспорт салоҳиятига чиқиш мақсади белгилангани айтилди. Бир қатор йирик халқаро технологик компаниялар ушбу ташаббусга қизиқиш билдиргани қайд этилди.

Учинчи йўналиш сифатида мамлакатимизда исломий молия хизматларини жорий қилиш масаласи кўриб чиқилди.

Юртимизда товарни насияга сотиш орқали мижозни молиялаштириш — муносабат, фойдани тақсимлаш шарти асосида мижозни молиялаштириш ёки пул маблағларини жалб этиш — муносабат, вакиллик шартномаси орқали пул маблағларини бериш ёки жалб этиш — вакала, товарлар учун олдиндан ҳақ тўлаш орқали молиялаштириш — салам ва истисно, биргаликдаги фаолият орқали мижозни молиялаштириш — мушорака, мол-мулкни исломий ижарага бериш каби операциялар, шунингдек, қонунчиликка зид бўлмаган бошқа исломий молия инструментларини жорий қилиш назарда тутилмоқда.

Бунда сотилган товар устамасига қўшилган қиймат солиғи ҳисобланмаслиги, инвестициявий омонатдан олинган даромад солиқдан озод қилиниши, исломий ижара шартномалари молиявий ижара ва лизингга тенглаштирилиши белгиланмоқда.

Соҳада тизимли бошқарувни таъминлаш мақсадида Марказий банк ҳузурда Исломий молия кенгаши ташкил этилади. Шунингдек, исломий молия хизматларини кўрсатувчи банкларда ҳам алоҳида кенгашлар тузилади. Ушбу кенгашлар стандартлар ишлаб чиқиш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда қўмақлашиш, баҳсли масалаларга изоҳ бериш, шартномалар ва ички ҳужжатларни кўриб чиқиш, мувофиқлик устидан назоратни таъминлаш билан шуғулланади.

Жорий йилда камид битта тижорат банкида исломий “дарча” фаолиятини йўлга қўйиш, 2026-2030 йилларда эса тўлиқ исломий банк фаолиятини амалга оширувчи иккита банк ташкил этиш режалаштирилган. Умуман, соҳадаги янгиликлар орқали 2026-2030 йилларда қўшимча 1 миллиард доллар миқдорда инвестиция ва депозитларни жалб қилиш имконияти яратилиши қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур уч йўналиш мамлакатимизда замонавий молиявий ва технологик экотизимни шакллантиришга хизмат қилишини таъкидлаб, уларни амалиётга таътиқ этиш ишларини жадаллаштириш юзасидан топшириқлар берди.

ЎЗА

ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон 26-27 март кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф доирасида олий даражадаги музокара-лар ҳамда Ўзбекистон ва Тожикистон етакчилари раислигида Олий давлатлараро кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтади.

Бўлажак тадбирлар кун тартибидан Ўзбекистон — Тожикистон дўстлик ва яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари ўрин олган.

Сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий ва ҳудудлараро ҳамкорликни кенгайтириш, саннат кооперацияси ҳамда транспорт соҳасида ўзаро боғлиқликни ривожлантириш, сув ва

энергетика хавфсизлигини таъминлаш ҳамда кенг қўламли маданий ва гуманитар алмашинувлари давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар ҳамда кўп томонлама форматлар доирасидаги ҳамкорлик юзасидан фикр алмашди.

Шунингдек, бир қатор янги қўша лойиҳаларни ишга тушириш кўзда тутилган, кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган икки томонлама ҳужжатларнинг салмоқли тўплами имзоланиши режалаштирилган.

ЎЗА

НЕФТЬ-ГАЗ ТАРМОҒИДА БАРҚАРОРЛИК ВА АНИҚ НАТИЖАДОРЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга нефть-газ тармоғида қазиб чиқариш ҳажмини барқарорлаштириш ва янги захираларни ўзлаштириш бўйича чора-тадбирлар ижроси юзасидан ҳисобот берилди.

“Ўзбекнефтегаз” тизимида табиий газ қазиб чиқариш динамикаси, мавжуд пасайиш омиллари ҳамда уларни қоплаш бўйича кўрилатган чоралар ҳақида ахборот берилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида янги қудуқларни ишга тушириш, мавжудларини таъмирлаш ва технологик тадбирларни амалга ошириш ҳисобига қўшимча ҳажмлар таъминланган, йил давомида эса бу борадаги ишлар янада кенгайтирилиши режалаштирилгани қайд этилди.

Қудуқлар самардорлигини ошириш учун замонавий технологияларни жорий қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозирда янги 2D ва 3D сейсмик тадқиқотлар учун истиқболли майдонлар аниқланмоқда. Бурғилаш ва дала ишлари устидан халқаро стандартлар асосида назоратни кучайтириш мақсадида супервайзинг тизимини йўлга қўйиш, геологик-гидродинамик моделлаштириш ва қазиб чиқариш дастурларини янада пухта шакллантириш бўйича чоралар белгиланган.

Конларда газ қазиб олиш коэффициентини ошириш, қийин ўзлаштириладиган захираларга янги ёндашувларни таътиқ этиш, 2026-2027 йилларга мўлжалланган дастурларнинг иқтисодий самардорлигини баҳолаш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Бу борада халқаро компаниялар билан ҳамкорликда тегишли ишлар олиб борилаётгани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари тармоқда ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлаш, мавжуд қувватлардан самарали фойдаланиш, геология-қидирув ва бурғилаш ишларини тизимли ташкил этиш, шунингдек, хорижий ҳамкорлар билан амалий натижа берадиган шерикликни кенгайтириш муҳимлигини таъкидлади.

Мутасаддиларга белгиланган режалар ижросини қаттиқ назоратга олиш ва ҳар бир йўналиш бўйича аниқ натижадорликни таъминлаш юзасидан топшириқлар берилди.

ЎЗА

ТАКОМИЛЛАШГАН “ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИ: АСОСИЙ ЎЗГАРИШЛАР ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР

“Тараққиёт стратегияси” маркази ижрочи директори Элдор ТУЛЯКОВ билан “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳаррири Салим ДОНИЁРОВ суҳбати

— Элдор Собиржонович, суҳбатимизнинг давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасига мувофиқ “Ўзбекистон — 2030” стратегияси лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамасига қўйилгани ва унинг натижалари асосида ушбу ҳужжатда акс этган ўзгаришлар мазмун-моҳиятидан бошласак. Аввало, стратегик ҳужжатни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш заруратини изоҳлаб берсангиз.

— Ҳаёт доимий ҳаракат ва ўзгаришда: жамият эҳтиёжлари изчил кенгайиб, глобал иқтисодий, технологик ҳамда геосиёсий жараёнлар давлатлар олди-га мутлақо янги талаб ва чақириқларни қўймоқда. Бундай динамик шароитда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини реал ҳолат, аҳоли эҳтиёжлари ҳамда жадал ўзгараётган глобал тенденциялардан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш объектив зарурат сифатида намоён бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2025 йил 26 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида ўтган даврда мамлакатимизда эришилган улкан натижалар, истиқбол учун белгиланаётган янги устувор вазифалар “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини қайта кўриб чиқишни тақозо этаётганини, юртимизнинг келгуси беш йиллик тараққиётга дахлдор ушбу ҳужжат кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиб, аҳолининг фикр-мулоҳазалари асосида такомиллаштирилиши зарурлигини таъкидлаган эди.

Шу билан бирга, стратегияни амалга оширишнинг дастлабки босқичида тўпланган амалий тажриба айрим мақсад ва вазифаларни янада аниқлаштириш, уларни йиллар кесимида режалаштириш, молиялаштириш манбалари ҳамда ижро учун масъулиятни очик ва шаффоф белгилаш талабини юзага келтирди. Кенг жамоатчилик муҳокамаси, ҳудудлардан келиб



Фаровонлик харитаси

тушган таклифлар ва ижро жараёнида аниқланган омиллар стратегияни такомиллаштиришга эҳтиёжни янада кучайтирди. Шундан келиб чиқиб, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси 2025 йил 29 декабрдан 2026 йил 28 январга қадар бир ой давомида кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди.

— Аҳолининг ушбу муҳокамадаги иштироки, фаоллигини қандай баҳолайсиз? Муҳокамада жамоатчилик кўпроқ қайси йўналишларга эътибор қаратгани ҳам жуда муҳим. Шу омилларни ҳисобга олганда у аввалги тараққиёт дастурларидан қайси жиҳатлари билан фарқланади?

— Бу борада энг муҳим ва асосий тамойиллардан бири — стратегиянинг халқ билан маслаҳатлашуви асосида такомиллаштирилгани. Чунки жамоатчилик фикрини ўзида акс эттирган ҳужжатга ҳаётини ва самарали бўлади. Энг кўп таклиф таълим, экология, рақамлаштириш, энергетика, транспорт соҳалари бўйича тушган.

Агар устувор йўналишлар кесимида таҳлил қилсак, “Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўйга чиқариши учун муносиб шароитларни яратиш” йўналишидаги мақсадли кўрсаткичлар кўпроқ қизиқиш уйғотган. Лекин бу ҳолат аҳолининг бошқа йўналишларга эътибори нисбатан суст бўлди, дегани эмас, албатта. Хусусан, “Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш”, “Сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш”, “Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш”, “Мамлакатни хавфсиз ва тинчликсевар давлатга айлантириш ишларини давом эттириш” йўналишларида ҳам билдирилган таклиф ва мулоҳазалар салмоқли бўлди.

Янги таҳрирда тайёрланган ҳамда жамоатчилик муҳокамасидан ўтган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси амалдаги мазкур ҳужжатнинг мантқиқий давоми. Энди унда белгиланган 100 та мақсаднинг ижросини 2030 йилгача бўлган даврда

йиллар кесимида аниқ мезонлар асосида баҳолаш имконияти яратилди.

Янги таҳрирдаги стратегик ҳужжатда ҳар бир аниқ мақсад ва вазифа бўйича масъул давлат органи ёки ташкилот очик-равшан белгиланган. Шунингдек, уларни амалга ошириш учун зарур молиявий манбалар, ресурс ва ижро муддатлари аниқ кўрсатилган. Бу эса стратегиянинг умумий ниятлар ва декларатив мақсадлар мажмуасидан аниқ ижро механизми, жавобгарлик ва ҳисобдорликка асосланган амалий дастурга айланганини таъминлайди.

Бу борада, аввало, соҳа мутахассисларининг фикри алоҳида эътиборга олинди. Муҳокама порталида ҳам, оммавий ахборот воситаларида ҳам соҳанинг қўллаб-қувватлаш стратегия лойиҳасидаги камчиликларни кўрсатиб берди. Улар асосида вазирлик ва идораларга мурожаат қилиниб, қўшимча кўрсаткичлар шакллантирилди.

▶ Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН — ТОЖИКИСТОН: ТАРИХИЙ ВА МАДАНИЙ ЯҚИНЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ ПойДЕВОРИГА АСОСЛАНГАН ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

26-27 март кунлари Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлади.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги муносабатлар яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат, стратегик шериклик таъминлаш асосида изчил ривожланиб бормоқда. Икки мамлакат халқларининг тарихий, маданий ва маънавий яқинлиги

давлатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

▶ Давоми 2-бетда

ДЎСТЛИК ҚЎШИҒИ

Аму-Сир — ризқ-рўзи бир,
Тўй-байрам — нон-тузи бир,
Азалдан мард, нон-тузи бир,
Ўзбек билан тожикнинг.

Ҳақ қўеши сўнмагай,
Жаҳолатга кўнмагай,
Бахти пастга энмагай,
Ўзбек билан тожикнинг.

Осмонга ҳеш Помири,
Чуқур, теран томири,
Бири толиб, пир бири,
Ўзбек билан тожикнинг.

Икки жўра, биродар,
Нури дийда тожи сар*,
Меҳри қиёмат қадар,
Ўзбек билан тожикнинг.

Навоий бор, Жомий бор,
Чин дўстликка ҳомий бор,
Ишққа тўла жомий бор,
Ўзбек билан тожикнинг.

Келди порлоқ замони —
Танграм берган имкони.
Туттай жаҳонни шони,
Ўзбек билан тожикнинг.

Куйлари шашмақоми,
Дил аҳлига саломи,
Сарбаланддир мақоми,
Ўзбек билан тожикнинг.

Ғайрат МАЖИД

* Нури дийда тожи сар — тожикча ибора.
Мазмуни: Кўзимизга нур, бошимизга тожисиз

ЎЗБЕКИСТОН – ТОЖИКИСТОН: ТАРИХИЙ ВА МАДАНИЙ ЯҚИНЛИКНИНГ МУСТАҚИМ ПЙДЕВОРИГА АСОСЛАГАН ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Бошланиши 1-бетда

Икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йил 22 октябрда ўрнатилган. Ушандан буён давлатлараро мулоқот изчил ривожланиб, сўнгги йилларда алоҳида суръат ва кўп қиррали тус олди.

Олий даражадаги мунтазам сиёсий мулоқот Ўзбекистон — Тожикистон ҳамкорлигини мустақамлашда муҳим ўрин тутди. Кейинги йилларда икки мамлакат етакчиларининг қатор ўзаро ташрифлари бўлиб ўтди. Улар стратегик шериклини ривожлантириш ва муҳим йўналишларда ҳамкорлини кенгайтиришга кучли суръат бағишлади.

Хусусан, 2018 йил март ойида Ўзбекистон Президентининг Душанбега давлат ташрифи, ўша йилнинг августидан эса Тожикистон Президентининг жавоб ташрифи амалга оширилди. 2021 йил июнда Ўзбекистон раҳбари Тожикистонга борди. 2022 йил июнда эса Тожикистон Президенти расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Ўзбекистон Президентининг 2024 йил 18-19 апрель кунлари Тожикистонга давлат ташрифи икки томонлама мулоқотни ривожлантиришнинг навбатдаги муҳим босқичи бўлди.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги сиёсий мулоқот юқори динамикага эга бўлиб, олий ва юқори даражадаги мунтазам алоқалар билан ажралиб туради.

Икки мамлакат етакчилари нафақат икки томонлама форматда, балки халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ҳам фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистон ва Тожикистон Президентлари Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 2025 йил 16 ноябрь кунини Тошкентда бўлиб ўтган Маслаҳат учрашувида, шунингдек, МДХ давлат раҳбарларининг 2025 йил 9-10 октябрь кунлари Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган кенгаши йиғилишида ва 2025 йил 22 декабрь кунини Санкт-Петербургда бўлиб ўтган МДХ давлатлари раҳбарларининг норасмий учрашувида иштирок этди.

“Марказий Осиё +” форматлари доирасида ҳам фаол ҳамкорлик қилинмоқда. Хусусан, икки давлат раҳбарлари 2025 йил 3-4 апрель кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” саммити ҳамда 2025 йил 9-10 октябрь кунлари Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё — Россия” саммитида иштирок этди.

Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон етакчиларининг 2025 йил 31 март кунини Хўжанд шаҳрида бўлиб ўтган уч томонлама учрашуви минтақавий ҳамкорлини ривожлантиришда муҳим воқеа бўлди. Музокаралар якунида уч мамлакат давлат чегараларининг туташган нуктаси тўғрисидаги тарихий шартнома имзоланди. Давлатларнинг яхши қўшничилик муносабатларини

мустақамлаш, ўзаро ишонч ва минтақани барқарор ривожлантиришга интилишини қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшма декларация қабул қилинди.

Эришилган келишувлар кўп йиллик чегара масалаларини ҳал этди, Марказий Осиёда барқарорлик ва шериклини мустақамлашда муҳим қадам бўлди. Экспертларнинг фикрича, қарорлар минтақанинг тинчлиги, хавфсизлиги ва халқаро нуфузининг ошишига хизмат қилади. Томонлар амалий ҳамкорлини кенгайтириш, жумладан, савдо, транспорт, sanoat, “яшил” энергетика, сув ресурслари ва экология соҳаларини ривожлантириш, чегараолди ҳудудларини ўзаро ҳамкорлиги ва маданий-гуманитар алоқаларни мустақамлаш борасидаги интилишлари қатъий эканини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Тожикистон халқаро майдонда фаол ҳамкорлик қилиб, етакчи халқаро ва минтақавий тузилмалар, жумладан, БМТ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислон ҳамкорлик ташкилоти, МДХ, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси доирасида бир-бирининг ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

БМТ доирасида Ўзбекистон ва Тожикистон икки ва кўп томонлама яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Тожикистон Ўзбекистон ташаббуси билан тинчлик, барқарор ривожланиш, минтақавий ҳамкорлик, диний бағрикенглик, туризм ва экологияни мустақамлашга қаратилган қатор резолюцияларнинг ҳаммуаллифи. Ўз навбатида Ўзбекистон Тожикистоннинг муҳим ташаббусларини қўллаб-қувватлади.

Сиёсий мулоқотни мустақамлашга қўмаклашадиган ва эришилган келишувларнинг самарали амалга оширилишини таъминлайдиган парламентлараро ва идоралараро алоқаларни ривожлантириш Ўзбекистон — Тожикистон ҳамкорлигининг муҳим йўналишидир.

Икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқалар ҳам сезиларли даражада фаоллашгани кузатиш мумкин. Ўзбекистон экспортнинг асосий йўналиши вакиллари Тожикистондаги парламент ва президентлик сайловларида МДХ ва ШХТ миссиялари таркибига халқаро даражада сифатида иштирок этгани юқори кўрсаткич бўлиб ишонч ва ўзаро қўллаб-қувватловдан далолат беради. Парламент делегацияларининг ўзаро ташрифлари мунтазамлик касб этди. Парламентдаги дўстлик гуруҳлари доирасидаги алоқалар фаол ривожланмоқда. 2025 йилда парламентлар раҳбарияти даражасида дўстлик гуруҳлари ҳамраисларининг учрашувлари ва музокаралари бўлиб ўтди. Икки мамлакатнинг тегишли қўмиталари ва комиссиялари ўртасида қатор онлайн маслаҳатлашувлар ўтказилди.



Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар икки томонлама ҳамкорлиқнинг муҳим йўналишларидан. Иқтисодий муносабатларнинг асосини 1996 йилда имзоланган Эркин савдо тўғрисидаги ҳуқуқатлар бопим, 2002 йилдан буён фаолият юритиб келатган Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Тожикистон ҳуқуқатлараро комиссияси фаолияти ташкил этди.

Кейинги йилларда ўзаро савдода барқарор ижобий суръат кузатишмоқда. 2025 йил якунларига кўра, икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 912,3 миллион долларга етди. Бу ўтган йилдаги нисбатан 30 фоиз кўп. Шу билан бирга, Ўзбекистондан экспорт қиймати 683 миллион долларни, Тожикистондан импорт эса 229,3 миллион долларни ташкил этди.

Икки томонлама савдо тузилиши хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон экспортнинг асосий йўналиши саноат товарлари, хизматлар, машиналар ва транспорт ускуналари, кимё маҳсулотлари ва минерал ёқилғидир. Тожикистондан импорт таркибига ноозик-овқат хомашёси, ёнғил-энергетика ресурслари, машина ва ускуналар, озиқ-овқат маҳсулотлари устулик қилади.

Инвестициявий ҳамкорлик ҳам ривожланмоқда. Бугун Ўзбекистон ҳудудида Тожикистон капитали иштирокидаги 343 корхона, жумладан, қўшма корхоналар ва юз фоиз хорижий капитал иштирокидаги корхоналар фаолият юритмоқда. Тожикистонда Ўзбекистон резидентлари иштирокида савдо, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш,

озиқ-овқат саноати, транспорт ва бошқа хизматлар кўрсатиш билан шугулланувчи 71 компания мавжуд.

Ўзаро инвестициялар ҳажми ҳам сезиларли даражада ошди. Хусусан, 2025 йилда Тожикистон билан ҳамкорлик доирасида 427 миллион доллардан ортиқ хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди. Бу ўтган даврдаги нисбатан қарий уч баробар кўп.

Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва логистика алоқаларини кенгайтириш Ўзбекистон — Тожикистон ҳамкорлиқнинг муҳим йўналиши. Бу борадаги ҳамкорлик иқтисодий алоқаларни мустақамлаш, савдо ҳажмининг ошириш ва минтақанинг транзит салоҳиятини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ва Тожикистон темир йўл ҳамда автомобиль йўллари маъмуриятларининг ҳамкорлиги халқаро транспорт ташкилотлари орқали амалга оширилмоқда. 2022 йил июндан бошлаб Душанбе — Тошкент мунтазам темир йўл қатнови қайта тикланди. 2025 йилда эса халқаро юк ташини ҳажми 9,9 миллион тоннага етиб, ўтган йилдагига нисбатан 12,7 фоиз ошган. 2018 йилда имзоланган ҳуқуқатлараро битим автомобильда йўловчи ва юк ташини кенгайтиришга хизмат қилди. Бугун “Тошкент — Хўжанд”, “Кўкон — Шайдон”, “Душанбе — Термиз”, “Тошкент — Душанбе”, “Самарқанд — Панжикент” ва “Душанбе — Денов” йўналишларида мунтазам автобус қатнови йўлга қўйилган.

Авиаташувлар соҳасидаги ҳамкорлик ҳам фаол ривожланмоқда. Бугун икки давлат ўртасида “Uzbekistan Airways”, “Centrum

Air” ва “Somon Air” авиакомпаниялари томонидан ҳафтага 10 тагача мунтазам авиақатнов амалга оширилмоқда. 2025 йилда икки мамлакат авиаташувчилари 133 мингдан ортиқ йўловчини ташиди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 24 фоиз кўпдир.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги икки томонлама муносабатлар таркибиди энергетика соҳасидаги ҳамкорлик муҳим ўрин тутди. Томонлар сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш, электр энергияси ишлаб чиқариш ва энергия ресурсларини етакчи бериш соҳасидаги ҳамкорлини изчил ривожлантирмоқда.

Маданий-гуманитар ҳамкорлик Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларида алоҳида ўрин тутди. Томонлар сув-энергетика ресурсларини етакчи бериш соҳасидаги ҳамкорлини изчил ривожлантирмоқда.

Маданий-гуманитар ҳамкорлик Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларида алоҳида ўрин тутди. Томонлар сув-энергетика ресурсларини етакчи бериш соҳасидаги ҳамкорлини изчил ривожлантирмоқда.

Маданий-гуманитар ҳамкорлик Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларида алоҳида ўрин тутди. Томонлар сув-энергетика ресурсларини етакчи бериш соҳасидаги ҳамкорлини изчил ривожлантирмоқда.

халқаро халқ ижодиёти анжуманларида мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Таълим ва илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик алоҳида аҳамиятга эга. Илмий-амалий анжуманлар, олимлар ва академик доиралар вакиллари учрашувлари ўтказилмоқда. Ижтимоий объектлар қурилиши икки томонлама ҳамкорлиқнинг муҳим рами бўлди. Хусусан, Ўзбекистон томонидан Тожикистоннинг Сўғд вилоятида мактаб қурилди. Шунингдек, Қубодиён туманида табиёт инфратузилмасини яратиш бўйича лойиҳалар амалга оширилди. Шифохона ва поликлиникалар барпо этилди.

Ёшлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга катта эътибор қаратишмоқда. Икки мамлакат ёшлари ўртасида ўзаро англашувини мустақамлашга қаратилган ёшлар форумлари, экологик оромгоҳлар ва маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда.

Маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришда Ўзбекистондаги тожик диаспораси муҳим ўрин тутди. Мамлакатимизда тожик тилида миллий маданий марказлар, таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари фаолият юритмоқда.

Хусусан, Ўзбекистондаги 253 мактабда таълим тожик тилида олиб борилмоқда, қатор университетларда тожик тилида таълим берилган гуруҳлар ташкил этилган. Бундан ташқари, тожик тилида матбуот нашрлари, телекўрсатув ва радиодуштинлар таъйинланмоқда. Бу эса миллий маданият ва аъёнларни сақлаб қолишга хизмат қилмоқда.

Бугун Ўзбекистон — Тожикистон муносабатлари барқарор ривожланиш суръатини намойиш этиб, сиёсий мулоқот ва иқтисодий ҳамкорликдан тортиб, маданий-гуманитар алмашинувгача бўлган ҳамкорлиқнинг кенг кўламини йўналишларини қамраб олган.

Олий даражадаги мунтазам мулоқотлар, халқаро ташкилотлар доирасидаги фаол ҳамкорлик, ўзаро савдонинг ўсиши ва қўшма инфратузилмавий лойиҳаларнинг ривожланиши икки давлат ўртасидаги стратегик шериклиқнинг юксак даражасидан далолат беради.

Ўзбекистон ва Тожикистон халқларининг тарихий ва маданий яқинлиги, томонларнинг ўзаро ҳурмат, ишонч ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш асосида ҳамкорлини янада чуқурлаштиришга интилиши икки томонлама алоқаларни мустақамлашда муҳим ўрин тутди.

Ҳеч шубҳасиз, олий даражадаги навбатдаги Ўзбекистон ва Тожикистон саммити нафақат икки давлат, балки умумий Марказий Осиё минтақасида барқарорлик, хавфсизлик ва ички тараққиётни мустақамлашга хизмат қилади.

“Дунё” АА

Форум

2021 йили Президентимизнинг Тожикистонга расмий ташрифи доирасида Бохтар шаҳрида ўтказилган биринчи Ўзбекистон — Тожикистон минтақалараро форуми икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янги босқичга олиб чиққан эди. Ушбу мулоқот майдони орқали ҳудудлар ўртасида бевосита ҳамкорлик йўлга қўйилиб, аниқ инвестициявий ва кооперацион лойиҳаларга асос солинди. Натжида қисқа муддатда ўзаро савдо ҳажми сезиларли даражада ошди. Бу минтақалараро ҳамкорлик форматининг самардорлигини амалда исботлади.



ОЧИҚ, САМАРАЛИ ВА ПРАГМАТИК МУЛОҚОТ МУҲИТИ

Мазкур ижобий тажрибанинг мантқий давоми сифатида Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмоннинг мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида Жиззах вилоятининг “Aydarko'l Resort” мажмуасида Ўзбекистон — Тожикистон иккинчи минтақалараро форуми ўтказилди. Ушбу форум аввалги учрашувларда эришилган келишувларни мустақамлаш, уларни амалий жиҳатдан кенгайтириш ва янги йўналишларда ҳамкорлини чуқурлаштиришга хизмат қилмоқда.

Тадбирда Тожикистон Республикасидан 30 дан ортиқ расмий шахс, 80 тадбиркор, шунингдек, мамлакатимизнинг турли ҳудуддан ишбилармон доира вакиллари, маҳаллий инвесторлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Иккинчи форум давлатларимиз ўртасидаги иқтисодий алоқалар изчил ривожланаётгани баробарида ўзаро ишонч, дўстлик ва стратегик шериклик мустақамлашаётганини ҳам аққол намоеён этди. Юксак савияда ташкил этилган



форум, икки мамлакат ўртасида шаклланган очиқ, ишончли ва прагматик мулоқот муҳити минтақалараро ҳамкорлини янги босқичга олиб чиққани таъкидланди.

Алоҳида қайд этилганидек, Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги иқтисодий алоқалар изчил ва барқарор ривожланиб бормоқда. Чегарадош ҳудудларда савдо айланмасини ошириш, саноат кооперациясини кенгайтириш, қўшма корхоналар ташкил этиш ва янги иш ўринлари очиш учун улкан имкониятлар мавжуд.

Жиззах вилояти ҳокими тожикистонлик инвесторлар, ишбилармонлар ва расмий делегация вакилларига ҳудуднинг иқтисодий ва туристик салоҳияти ҳақида батафсил маълумот берди. Ҳудуднинг қулай географик жойлашуви, бой табиий ресурслар, ривожланаётган инфратузилмаси ва инвестиция учун яратилган шароитлари халқаро ҳамкорлик учун жозибадор экани таъкидланди.

Форум давомида икки давлат тадбиркорлари лойиҳалари, инвестиция таклифлари ва истиқболли ташаббусларини тақдим этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, тўқимачилик саноатини ривожлантириш, шунингдек, туризм соҳасида ҳамкорлини кенгайтиришга қаратилган қатор муҳим келишув ва битимлар имзоланди. Мухтассаслар фикрича, ушбу келишувлар яқин истиқболда амалий натижалар бериб, янги инвестиция лойиҳаларининг ишга туширилиши, ҳудудларда иқтисодий фаоллик ошиши ва янги иш ўринлари очилишига хизмат қилади.

Минтақалараро ҳамкорлик механизмларининг самарали жорий этилиши натижасида икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги алоқалар изчил мустақамланиб бормоқда, — дейди Жиззах вилояти ҳокими биринчи ўринбосари Зафар Азизов. — Хусусан, 2025 йил якунига келиб, вилоятимизнинг Тожикистон билан савдо айланмаси 6 миллион доллардан ошди. Бу кўрсаткич ўзаро ишонч ҳамда самарали иқтисодий ҳамкорлиқнинг амалий ифодасидир. Экспорт таркибига қишлоқ

хўжалиги ва озиқ-овқат товарлари, қурилиш материаллари, шунингдек, енгил саноат маҳсулотлари етакчи ўринни эгаллайди. Бу эса Жиззахда ишлаб чиқариш салоҳияти тобора ортиб бораётганини кўрсатади. Вилоят нафақат аграр йўналиши, балки саноатда ҳам мамлакатдаги илғор ҳудудлардан бирига айлиб бормоқда. Аини пайтда ҳудудда хорижий капитал иштирокидаги 250 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг муайян қисми қўшма корхоналардир. Шунинг ўзиб ҳудуднинг инвестициявий жозибадорлиги ортиб бораётганидан далолат. Ҳозир умумий қиймати 3 миллиард доллардан зиёд бўлган 100 дан ортиқ инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳалар автомобилсозлик, электротехника, кимё саноати, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қурилиш материаллари ҳамда тоғ-кон саноати каби стратегик муҳим тармоқларни қамраб олган. Форум доирасида вилоятимизда фаолият юритаётган кўплаб корхоналар ва тожикистонлик тадбиркорлар ўртасида манфаатли ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Келишувлар келгусида қўшма ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, янги бозорларга чиқиш ва экспорт ҳажминини янада оширишга хизмат қилади.

— Юк ташини соҳасида фаолият юритаётган тадбиркор сифатида ушбу форумда иштирок этганимдан жуда мамнунман, — дейди тожикистонлик тадбиркор Рустам Нурматов. — Аввало, чегарадан ўтиш жараёнидан бошлаб бизга кўрсатилган эътибор ва ҳурмат алоҳида таассурот қолдирди. Барча жараён тез, тартибли ва очиқ ташкил этилган. Муҳими, самимий муносабатни ҳис қилдик. Бу жуда қувонарли. Форум доирасидаги тадбирлар ҳам юқори савияда ташкил этилган. Айниқса, Жиззах вилоятидаги ўзгаришлар мени ҳайратга солди. Илгари ҳам бу ҳудуд ҳақида эшитганман. Аммо бугунги тараққиёт суръати, янги корхоналар, замонавий инфратузилма ва қулай ишбилармонлик муҳити ҳақиқатан аjoyиб.

Бу ерда ишлаш, ҳамкорлик қилиш учун барча шароит яратилганга гувоҳ бўлдик. Тадбир ўтказилган “Aydarko'l Resort” мажмуаси алоҳида эътирофга лойиқ. Табиат қўйнида бунёд этилган замонавий маскан нафақат дам олиш, балки халқаро даражадаги учрашувлар ўтказиш учун ҳам жуда қулай экан. Айдаркўл атрофидаги гўзал манзара, тинч муҳит ва юқори даражадаги хизмат кўрсатиш сифати меҳмонларда илқ таассурот қолдиради. Форумда ўзбекистонлик кўплаб тадбиркорлар билан мулоқот қилдик. Янги ҳамкорлик йўналишлари ҳақида фикр алмашдик. Биз учун бу каби учрашувлар жуда муҳим. Чунки улар орқали бевосита алоқа ўрнатганимиз, бир-биримизни яхшироқ тушунамиз ва ишонч мустақамланади. Муҳими, бу ерда икки халқ ўртасидаги ҳақиқий дўстликни ҳис қилдик. Ўзбек ва тожик халқлари азалдан бир-бирига яқин. Бугунгидай учрашувлар эса ана шу дўстликни янада мустақамлайди. Ишонамкин, бундай форумлар нафақат бизнесни, балки халқларимиз ўртасидаги меҳр-оқибат ва яқин қўшничилик муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

— Тожикистонлик тадбиркор сифатида 2019 йилдан буён Ўзбекистонда фаолият юритиб келмоқдаман, — дейди “Guliston Aluminium Pro” МЧЖ раҳбари Бахтиёр Жамолов. — Бу ерда хорижий инвестор ва тадбиркорлар учун барча зарур шароит, очиклик, қўллаб-қувватлаш ва ишонч муҳити яратилган. Корхонамизда 250 турдан ортиқ изоляцияли ва изоляциясиз алюминий кабель ишлаб чиқарилади. Маҳсулотларимизни ички бозор билан бирга хорижга ҳам сотаямиз. Аини пайтда 35 кишини иш билан таъминлаганмиз. Ўзбекистонда бизнес юритиш учун яратилган комплекс имконият ва берилаётган кўмак фаолиятимизни кенгайтиришда муҳим оми бўлмоқда. Форумда янги ҳамкорлик топдик. Икки мамлакат тадбиркорлари ўртасидаги самимий муносабатларини янада чуқур ҳис қилдик. Умуман форумдаги очик мулоқот ва амалий ёндашув бизга катта ишонч берди.

Дарҳақиқат, дўстлик, ҳамжихатлик ва ҳамкорлик ҳар қандай тараққиётнинг асосий устундир. Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги муносабатлар ана шу кадриятларнинг амалий ифодасидир.

Фарҳод НЕЪМАТОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ТАКОМИЛЛАШГАН “ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИ: АСОСИЙ ЎЗГАРИШЛАР ВА УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАР

“Тараққиёт стратегияси” маркази ижрочи директори Элдор ТУЛЯКОВ билан “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳаррири Салим ДОНИЁРОВ суҳбати

Бошланиши 1-бетда

— “Ўзбекистон — 2030” стратегияси жуда кенг қамровли ва халқ манфаатлари асосида ишлаб чиқилган ҳужжат. Уни амалга оширишда ҳам асосий иштирокчи халқ. Шу маънода, яъни оддий фуқаролар нуқтан назардан қараганда аҳолининг турмуш даражасини ошириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва кундалик ҳаётида қандай ижобий ўзгаришларни таъминлаш кўзда тутилган?

— Стратегиянинг яна бир муҳим жиҳати — ҳар бир фуқаро учун тушунарли, ҳаётини ва амалий бўлишига қаратилганида. Ҳар бир юртдошимиз унга назар солиб, “Бу ҳужжат менга нима беради, ҳаётимни янада яхшилашга қандай хизмат қилади, оилам ва фарзандларим келажак учун қандай имкониятлар яратадими?” каби саволларга аниқ ва ишончли жавоб топа олсин. Яъни стратегиянинг абстракт шioriлардан иборат эмас, балки ҳар бир инсон ҳаётида бевосита сезиладиган, кундалик турмушида кўринадиган аниқ ўзгаришлар манбаи бўлиши кўзда тутилган.

Бу муҳим ҳужжатда белгиланган ўрта муддатли мақсадлар ва самардорлик кўрсаткичлари янги иқтисодий, ижтимоий ва технологик қақирма, шунингдек, халқаро майдондаги ўзгаришларга мос янги-ляпти.

Бунда стратегия ижросини мониторинг қилиш тизимини тўлиқ рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Вазифаларнинг ижро ҳолатини реал вақт режимида шаффоф кузатиш аниқ маълумотларга асосланган қарорлар қабул қилиш ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш имкониятини яратди.

Агар амалдаги стратегияда асосий мақсад ва устувор йўналишлар белгилаб берилган бўлса, тақомиллашган тахрирда ҳар бир мақсад аниқ йиллик индикаторлар билан боғланган. Яъни 2026-2030 йилларда қайси кўрсаткичга қачон эришилиши, бунинг учун қандай молиявий манбалар жалб этилиши ҳамда қайси вазирлик ёки идора масъул экани аниқ белгилаб қўйилди.

Қисқаси, тақомиллашган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси халқ манфаатларига хизмат қилувчи, очик, изчил ва амалий дастур сифатида мамлакат тараққиётида мутлақо янги саҳифани очмоқда.

— 2030 йилгача мўлжалланган стратегия доирасида иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, камбағалликни қисқартириш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ҳамда инвестиция ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича асосий мақсад ва вазифалар, режаларни изоҳлаб берсангиз.

— Мамлакатимиз етакчиси янги Ўзбекистоннинг тараққиёт формуласи сифатида иқтисодиётни жамият ҳаётининг танаси сифатида таърифлаганди. Иқтисодиётнинг таркибий ўзгариши, юқори қўшилган қиймат яратиш, меҳнат унвдорлигини ошириш ва аҳоли даромадининг барқарор ўсишини таъминлаш масалалари устувор вазифа сифатида белгиланган. Асосий мақсад — 2030 йилга қадар иқтисодиёт ҳажмини камида икки баравар ошириш, аҳоли жон бошига туғри келадиган даромадини 5800 долларга етказиш ҳамда Ўзбекистонни “даромади ўртачадан юқори давлатлар” қаторига киритишдан иборат.

Жумладан, 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот қийматини 240 миллиард долларга етказиш, инфляция даражасини 5-6 фоиз атрофида барқарорлаштириш, консолидацияланган бюджет тақчиллигини ЯИМга нисбатан 3 фоиздан оширмаслик ҳамда давлат қарзини 50 фоиздан юқори бўлмаган даражада ушлаб туриш режалаштирилган. Бу чоралар иқтисодиётнинг ташқи иқтисодий шок — мамлакат иқтисодиётига ташқаридан (халқаро бозорлар, геосиёсат) таъсир этувчи, қутилмаган ва ноҳус ўзгаришлар (нархлар сакраши, логистика узилиши)га чидамлигини ошириб, ижтимоий дастур ва инфратузилма лойиҳаларини узлуқсиз молиялаштиришга хизмат қилади.

Яна бир муҳим йўналиш — солиқ-бюджет ва молиявий бошқарув тизими ислоҳоти ҳақида гапирмасликнинг иложи йўқ. Жумладан, солиқ тушумларининг ЯИМдаги улушини 17,3 фоизгача ошириш ва боқхона тушумларининг ЯИМдаги улушини 4,4 фоиздан кам бўлмаган таъминлаш кўзда тутилган. Шу билан бирга, 52 та вазирлик ва идорани тўлиқ “дастурий бюджетлаштириш” тизимига ўтказиш орқали давлат харажатининг самардорлиги оширилади.



Фаровонлик харитаси

QR-КОД ОРҚАЛИ ВИДЕОГА ЎТИНГ!

бюджетдаги ҳар бир сўмнинг аниқ натижа бериши таъминланади.

Саноатни ривожлантириш ва юқори қўшилган қиймат яратиш стратегиянинг марказий йўналишларидан. 2030 йилга қадар саноатда технологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 2,5 баравар ошириш, саноатда қўшилган қиймат ҳажмини 36,5 миллиард доллардан 60 миллиард долларга етказиш ҳамда 1,8 миллион юқори даромадли иш ўринларини очиб режалаштирилган. Ишлаб чиқариладиган энгил автомобиллар сонини 1 миллионга етказиш, машинасозлик, электротехника, кимё ва фармацевтика соҳаларини ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг янги “драйвер” тармоқлари шакллантирилади. Бу эса ёшлар бандлигини таъминлаш ва худудларда иқтисодий фаолликни оширишда жуда муҳим.

Янги стратегияда “яшил иқтисодиёт”га ўтишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган, мақсад ва режалар аниқ рақамларда акс этган. Хусусан, 2030 йилга қадар қайта тикланувчи энергия манбаларининг умумий қувватини 25 минг мегаваттга етказиш, уларнинг электр энергияси генерациясидаги улушини 54 фоизга қиқариш ҳамда иссиқхона газлари интенсивлигини 2010 йил даражасига нисбатан 35 фоиз қисқартириш белгиланган. Бу экологик барқарорлик билан бирга энергия хавфсизлиги ва узоқ муддатли иқтисодий ўсишни таъминлайди.

Умуман олганда, янги тахрирдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегияси фақат улкан рақамлар ёки режалар йиғиндиси эмас. У ҳар бир фуқаронинг ҳаёт сифати, барқарор иш ўринлари, даромадлар ўсиши ва келажакка ишончни мустаҳкамлашга қаратилган комплекс дастурдир.

Ушбу мақсадларга эришиш учун эса инсон капитални ривож, соғлиқни сақлаш, таълим сифати, ижтимоий ҳимоя, бандликни таъминлаш ва рақамли хизматларни кенг жорий этиш каби йўналишларга алоҳида ургу берилган.

— Давлат бошқаруви тизимини рақамлаштириш жараёни жадаллашиб бораётган бир шароитда давлат хизматларини рақамли форматга ўтказиш, ортқица бюрократик жараёнларни қисқартириш, идораларо ахборот алмашинувини кучайтириш ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун хизматлардан фойдаланишни янада содда ва қулай қилиш борасида қандай устувор мақсад ва аниқ вазифалар белгиланган?

— Давлат хизматларини рақамлаштириш борасида белгиланган мақсадлар, аввало, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун давлат хизматларидан фойдаланиш жараёнини янада содда, тезкор ва қулай шаклга ўтказишга қаратилган. Ушбу йўналишда электрон шаклда кўрсатиладиган давлат хизматлари улушини 90 фоиздан ошириш вазифаси белгиланган. Бу эса хизматларнинг асосий қисмини масофавий ва рақамли механизмлар орқали тақдим этиш, инсон омилни қисқартириш, маъмурий жараёнларни соддалаштириш ҳамда хизматлардан фойдаланиш самардорлигини оширади.

Шу билан бирга, Ягона интерактив давлат хизматлари портали мобил иловасида

жорий қилинган хизматларнинг ягона порталдаги хизматларга нисбатан улушини 90 фоизга етказиш белгиланган. Бу давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини нафақат веб-портал, балки мобил платформалар орқали ҳам кенгайтиришни назарда тутди.

Давлат хизматларининг 20 фоизини хусусий секторга ўтказиш орқали давлат-хусусий шериклик механизмларини кенгайтириш, хизмат кўрсатишда рақобат муҳитини шакллантириш ва аҳолига янада сифатли сервис тақдир этиш мақсад қилинган. Бу эса давлатнинг барча жараёни бевосита амалга оширувчи эмас, балки тартибга солувчи ва назорат қилувчи субъект сифатидаги ролни кучайтиради.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида 110 дан ортқица маълумот ва ҳужжатларни талаб қилишни бекор қилиш вазифаси ҳам қўйилди. Бу давлат органлари ихтиёрида мавжуд маълумотларни фуқаролардан қайта талаб қилмаслик, идораларо ахборот алмашинувини кучайтириш ва ортқица ҳужжат-бозиликни қисқартиришга хизмат қилади.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва давлат хизматларини рақамлаштириш мақсадларини замонавий, самарали ва шаффоф бошқарув тизимига олиб чиқишнинг муҳим омили сифатида белгиланган. Давлат бошқаруви, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларга рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали хизматлар

жорий этиш орқали ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш, бизнес жараёнларини автоматлаштириш ва инновацион хизматлар улушини кенгайтириш миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, ижтимоий соҳаларда рақамли технологияларни кенг қўллаш ҳам устувор вазифа сифатида белгиланган. Масалан, тиббиёт маассаларини рақамлаштириш кўламини 2030 йилга қадар 100 фоизга етказиш, электрон тиббий карталарни жорий этиш ва рақамли соғлиқни сақлаш ягона платформасини тўлиқ ишга тушириш кўзда тутилган.

Қисқаси, давлат хизматларини электрон шаклга ўтказиш, иқтисодиёт тармоқларини рақамлаштириш, тиббиёт ва ижтимоий хизматлар соҳасида рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали давлат бошқаруви самардорлиги оширилиб, аҳоли ва бизнес учун қулай рақамли муҳит барпо этилиши кутулкимоқда.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг муҳим омилларидан. Чунки шу орқали инвестиция муҳитини яхшилаш, хусусий сектор фаоллигини кучайтириш ва тадбиркорликни рағбатлантиришга қаратилган қатор янги механизмлар қўлланади. Бу йўналишда аниқ рақам ва мақсадларни келтириб ўтаман.



сифатини ошириш ҳамда аҳоли ва бизнес учун қулай рақамли муҳит яратиш мақсад қилинган.

Стратегия мувофиқ, давлат органлари фаолиятида замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш, давлат хизматларини электрон шаклда тақдим этиш кўламини кенгайтириш ва уларнинг шаффофлиги ҳамда тезкорлигини таъминлаш чоралари кўрилатириб. Бу орқали аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, маъмурий жараёнларни соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни янада камайтирилади.

Рақамли технологияларни саноат, молия, савдо, транспорт ва бошқа тармоқларга

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажмини йиллик ўртача 7 фоиз ошириш, қамматли қозғолар бозорига эркин муомаладаги савдолар ҳажмини 8 миллиард долларга етказиш ва давлат иштирокидаги 40 та корхонани “Халқ IPO”сига чиқариш режалаштирилган. Бу орқали аҳолининг инвестиция жараёнидаги иштирокчи кенгайтириш ва капитал бозорини ривожлантиришга эришилади.

Шу билан бирга, стратегияда давлат иштирокчи қисқартириш ва хусусий сектор ролни кучайтириш кўрсатилган. Давлат иштирокидаги корхоналарни босқичма-босқич хусусийлаштириш, корпоратив бошқарув стандартларини жорий этиш ва

рақобат муҳитини кенгайтириш орқали иқтисодиётда хусусий бизнеснинг улушини ошириш мақсад қилинган. Бу эса бозор механизмлари янада самарали ишлашини таъминлаш ва хусусий секторнинг иқтисодиётдаги улушини 85 фоиз ошириш имкон беради.

Стратегияда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва бизнес муҳитини яхшилаш алоҳида ўрин эгаллаган. Жумладан, тадбиркорлик субъектлари учун маъмурий тўсиқларни қисқартириш, лицензия ва рухсатномалар бериш тартибини соддалаштириш, давлат хизматларини рақамлаштириш орқали бизнес юритиш жараёнларини энгиллаштириш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун инфратузилмани ривожлантириш ҳам муҳим йўналиш сифатида белгиланган. Саноат зоналари, эркин иқтисодий зоналар ва технопарклар фаолиятини кенгайтириш, транспорт ва логистика инфратузилмасини яхшилаш орқали инвесторлар учун янада қулай шарт-шароит яратиш худудларда иқтисодий фаолликни оширишга хизмат қилади.

Хориж инвестициясини жалб қилиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар бу борадаги муҳитни яхшилаш, капитал бозорини ривожлантириш, давлат иштирокчи қисқартириш ва хусусий сектор ролни кучайтиришга қаратилган. Бу чора-тадбирлар мамлакат иқтисодиётида тадбиркорлик фаоллигини ошириш, янада кўп янги иш ўринларини очиб ҳамда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда гоят муҳим.

— Биз сўз юртаётган бу муҳим ҳужжат мамлакатимизнинг ташқи сиёсат йўналишини ҳам қамраб олади. Унда Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ўрни ва нуфузини мустаҳкамлаш, ташқи сиёсат фаолиятини янада самарали ташқи сиёсат йўналишида белгиланган янги ёндашувлар ҳақида нималар дея olasiz?

— Янгиланган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси янги Ўзбекистон ташқи сиёсатини халқ ва давлат манфаатлари йўлида изчил амалга ошириш, Марказий Осиёда амалий ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга қўтариш, шунингдек, анъанавий ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш ва халқаро ҳамкорлик географиясини кенгайтиришни назарда тутди.

Бу борадаги мақсадларга эришиш учун йиллар кесимида аниқ чора-тадбир ва мақсадлар белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон фуқароларини визасиз кириши мумкин бўлган мамлакатлар сонини 50 тага, соддалаштирилган тартибда кириш мумкин бўлган давлатларни эса 60 тага етказиш, хорижий давлатлардаги дипломатик ва консуллик ваколатхоналарини орқали консуллик хизматларидан фойдаланувчилар сонини 60 мингга етказиш мақсад қилинган. Бу эса ватандошларни тизимли қўллаб-қувватлаш ҳамда хорижда меҳнат фаолиятини юрбаттаган фуқароларга ҳар томонлама қўмаклашини назарда тутди.

Шунингдек, ташқи сиёсат фаолиятининг савдо-иқтисодий ва дипломатик жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари ва Африқонистон билан ўзаро савдо ҳажмини 15 миллиард долларга ошириш, хориждаги дипломатик ваколатхоналар тармоғини 65 тагача кенгайтириш, фахрий консулликлар сонини 30 тага етказиш ҳамда Жаҳон савдо ташкилотига тўлақонли аъзо бўлиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, Европа, Осиё-Тинч океани минтақаси ва дунёнинг бошқа муҳим минтақаларидаги давлатлар билан стратегик ҳамкорлик ва иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш, Жанубий Осиё, Яқин Шарқ, Африка ва Америка қитъалари билан савдон кенгайтириш, инвестициялар ва илгор технологияларни жалб қилиш, глобал ишлаб чиқариш ва етказиб бериш занжирларига қўшилтиш, транспорт ва логистика коридорларини ривожлантириш кўзда тутилган.

Умуман олганда, янгиланган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясидаги мақсад ва вазифалар мамлакатнинг ташқи сиёсатини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ёндашуви ўзида акс эттиради. Бу эса мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлаш ва ҳамкорлик кўламини ривожлантиришга хизмат қилади.

— Амалий шунини кўрсатадими, қабул қилинган давлат дастурлари ва стратегияларнинг ижроси айрим ҳолларда қутилган даражада таъминланмай қолиши



Ўзбекистон 2030

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси халқ манфаатларига хизмат қилувчи, очик, изчил ва амалий дастур сифатида мамлакат тараққиётида мутлақо янги саҳифани очмоқда.

мумкин. Шу нуқтан назардан, белгиланган мақсад ва вазифаларнинг тўлиқ ва самарали ижросини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан қандай назорат ўрнатиб борасиз қатъий механизм ва институционал инструментлар назарда тутилган?

— Ҳа, қабул қилинган давлат дастурлари ва стратегияларнинг ижроси объектив сабабларга кўра қутилган натижани бермаслиги ҳам мумкин. Шу боис, белгиланган вазифаларнинг тўлиқ ва самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида замонавий мониторинг ва баҳолаш тизимлари жорий этилмоқда.

Хусусан, ҳар бир устувор йўналиш бўйича аниқ индикаторлар, мақсадли кўрсаткичлар ва амалга ошириш муддатлари белгилаб қўйилди. Бажарилаётган ишлар юзасидан мунтазам таҳлил ва ҳисоботлар тайёрланади, натижалар асосида зарур ҳолларда қўшимча чора-тадбирлар белгиланади.

Шу билан бирга давлат органлари фаолиятининг очиклиги ва ҳисобдорлиги, парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш орқали стратегия ижросининг шаффофлиги ва самардорлиги таъминланади. Рақамли бошқарув ва назорат платформалари жорий этилади.

— Белгиланган барча устувор мақсад ва вазифалар изчил ва тўлиқ амалга оширилса, 2030 йилга бориб, Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти, ижтимоий соҳалар ривожини ҳамда аҳоли турмуш даражасида сифат жиҳатдан қандай янги ўзгаришлар кутулкимоқда?

— “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган барча устувор мақсад ва вазифалар изчил амалга оширилса, сиз таъкидлаган муддатга бориб, мамлакат тараққиёти сифат жиҳатдан янги босқичга чиқади. Бунда, аввало, миллий иқтисодиётнинг кенгайтириш орқали стратегия ижросининг шаффофлиги ва самардорлиги таъминланади. Рақамли бошқарув ва назорат платформалари жорий этилади.

Шу билан бирга, янги иш ўринлари очилиши, аҳоли даромади ошиши ва камбағаллик даражасининг изчил қисқариши аҳоли турмуш даражасининг сезиларли яхшиланишига хизмат қилади. Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя тизимларидаги ислохотлар натижада аҳоли учун сифатли хизматлардан фойдаланиш имконияти кенгайди. Натижада Ўзбекистон минтақада иқтисодий жиҳатдан рақобатбардош, инвестициялар учун жозибадор ва инсон капитални юқори замонавий давлат сифатида ўз позициясини янада мустаҳкамлайди. Буларнинг барчаси халқимизни тараққиёт йўлидаги умумий мақсад атрофида жиқлаштирилади. Эзгу орзулар рўёми, қадамма-қадам эришадиган ютуқларининг юртимизнинг ҳар бир фуқароси ҳаётида акс этади.

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ

ФАҚАТ НАЗОРАТ ВА ЖАЗОГА ТАЯНГАН ИСЛОХОТ НАТИЖА БЕРМАЙДИ

Таҳлил

2017-2026 йиллар давомида кечаётган кенг қўламли ислохотлар қатор ижобий натижалар берди. Иқтисодий очилди, ишлаб чиқариш ҳажмлари ва экспорт салоҳияти кенгайди, рақамли технологиялар давлат бошқаруви ва ҳўжалик юритиш тизимида босқичма-босқич жорий этилмоқда. Бу жараёнлар мамлакатимиз иқтисодий маконини халқаро стандартларга яқинлаштиришда муҳим қадам бўлди.



Дурбек ХУСАНОВ, иқтисодий фанлари доктори, профессор

Бирок иқтисодий ривожланишнинг соф самараси ва узоқ муддатли барқарорлиги ҳали тўлиқ таъминланган деб бўлмайди. Иқтисодийнинг муайян қисми норасмий ва яширин фаолият доирасида қолиб кетаётгани давлат молияси, солиқ тушумлари ва ижтимоий кафолатлар тизими учун жиддий хавф омилларини юзага чиқармоқда. Яширин иқтисодийнинг кенг қамрови нафақат бюджет барқарорлигига путур етказиши, балки меҳнат муносабатлари шаффофлигини пасайтиради, ижтимоий адолат принципларини издан чиқаради.

Ортимизда мажур муаммо бир неча йилдан буён давлат сийсати даражасида тизимли ўрганиб келинмоқда. Хусусан, кузатилмайдиган иқтисодий улushiни аниқлаш ва таъсирини баҳолаш бўйича расмий статистик таҳлиллар қайта кўриб чиқилган ҳажмлар орқали ангина ёндашувлар асосида амалга оширилмоқда. Бу жараён иқтисодийдаги реал айланмаларни аниқлаш, солиқ базасини кенгайтириш ва ижтимоий мажбуриятларнинг молиявий манбаларини мустаҳкамлаш нуқтани назардан алоҳида аҳамият касб этади.

Техник жиҳатдан кузатиб борилиши осон бўлмаган ушбу секторнинг таъсир фақат макроиктисодий кўрсаткичлар билан чекланиб қолмайди. У солиқ тушумлари барқарорлигига, меҳнат бозори шаффофлигига, аҳолининг пенсия ва ижтимоий кафолатлар билан қамраб олиншига бевосита таъсир кўрсатади. Шу боис, кузатилмайдиган иқтисодий масаласи бутун нафақат иқтисодий, балки ижтимоий адолат ва давлат бошқаруви самардорлиги билан боғлиқ стратегик муаммо сифатида кун тартибига чиқмоқда.

Иқтисодий айланманинг учдан бир қисми

Иқтисодий статистикада одатда учта асосий тузилма фарқланади. Биринчиси расмий, тўлиқ ҳисобга олинган иқтисодий бўлиб, унда барча фаолият турлари, солиқ тўловлари ва меҳнат муносабатлари қонун доирасида юритилади ва статистикада акс эттирилади. Бу иқтисодий ёл давлат учун энг шаффоф ва бошқариш осон бўлган сектор ҳисобланади.

Иккинчи тузилма норасмий иқтисодийдир. У асосан ўй ҳўжаликлари, жисмоний шакллар, рўйхатдан ўтмаган кичик хизматлар, вақтинча ёки кафолатсиз меҳнат фаолиятларини ўз ичига олади. Бу ерда иқтисодий ҳаракат бор, лекин у тўлиқ расмийлаштирилмаган, солиқ ва ижтимоий тизим билан узвий боғланмаган.

Учинчи тоифа — яширин иқтисодий. Бу эса расмий субъектлар томонидан даромадларни яшириш, ҳисоботларни қамайтириш, солиқдан қочиб ёки қонунга зид иқтисодий фаолият юритиш билан боғлиқ. Айнан шу сегмент иқтисодий адолат ва рақобат муҳитига энг катта зарба беради.

Кузатилмайдиган иқтисодий тушунчаси айнан шу норасмий ва яширин секторлар йўналишидир. У расмий ҳисоботларда тўлиқ акс этмайди, статистикада эса бевосита усуллар орқали баҳоланади. Шу боис, унинг ҳақиқий ҳажми ва таъсир кўпунча жамоатчилик эътиборидан четда қолиб келади.

Ислохотлар, рақамлаштириш ва назорат механизмлари кучайиб бораётганига қарамай, кузатилмайдиган иқтисодий улushi ҳали ҳам юқори даражада сақланиб қолмоқда. Бу ҳолат тасодифий эмас. У иқтисодийнинг тарихий хусусиятлари, институционал муҳит ва иқтисодий рағбатлар билан узвий боғлиқ бўлган қатор омиллар натижасидир.

Даромад бор, лекин...

Мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес, яқка тартибдаги меҳнат ва шахсий хизматлар салмоқли ўрин тутаяди. Маҳаллий бозорлардаги чакана савдо, уй шароитидаги таъмирлаш,

хизмат кўрсатиш, мавсумий қишлоқ ҳўжалиги ишлари кўп ҳолларда тўлиқ расмийлаштирилмайди. Бу фаолият иқтисодий жиҳатдан жонли, лекин статистик жиҳатдан “кўринмас” бўлиб қолмоқда.

Айнан шу омил норасмий секторнинг улushiни оширади. Иқтисодий ҳаракат бор, даромад бор, аммо у давлат ҳисоб-китоб тизимида тўлиқ қирмайди. Натижада расмий иқтисодий манзара билан реал ҳаёт ўртасида тафовут пайдо бўлади.

Иккинчи муҳим сабаб маъмурий юкларлар. Айниқса, микробизнес ва янги бошланаётган тадбиркорлар учун солиқ ҳисоботлари, лицензиялар, рухсатномалар ва турли ҳисобот талаблари ҳали-ҳамон мураккаб деб қабул қилинади. Бу эса расмий иқтисодиётга киришни эмас, балки уни четлаб ўтишни осонроқ йўл сифатида кўрсатади.

Аслида, қонун доирасида ишлаш хавфсиз ва барқарор бўлиши керак. Аммо амалда расмийлаштириш ортқича вақт, харажат ва текширувлар билан боғланса, тадбиркор норасмий майдонда қолишни маъқул кўради.

Кузатилмайдиган иқтисодийнинг энг жиддий ва ижтимоий жиҳатдан оғир оқибатларидан бири яширин ва норасмий бандликдир. Расмий статистикада иш билан банд аҳоли сони йил сайин ўсиб бораётгандек кўринаса-да, амалда меҳнат бозорининг салмоқли қисми норасмий муносабатларга таянаётгани кузатилмоқда.

Норасмий бандлик қисқа муддатда аҳоли учун даромад манбаи бўлиши мумкин. Аммо узоқ муддатли оқибатлари анча оғир бўлади. Кечса ёшда ижтимоий таъминотга муҳтожлик ортади, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик стандартлари пасаяди, камбағаллик хавфи институционал тула олади. Шу маънода, кузатилмайдиган иқтисодий келажакда давлат зиммасига тушадиган ижтимоий юк демекдир.

Рақамлаштириш — энг яхши усул

Агар кузатилмайдиган иқтисодиётга қарши курашда энг самарали воситани ажратиб кўрсатиш лозим бўлса, бу, шубҳасиз, рақамлаштиришдир.

2025 йилда нақд бўлмаган тўловлар улushi сезиларли даражада ошди. Банк карталари, QR-кодлар ва мобил тўлов иловалари орқали ҳисоб-китоблар кенгайиб бормоқда. Бу тенденция транзакцияларни қайта этишни осонлаштиради, солиқ ва статистика маълумотлари сифатини оширади, яширин айланмаларни қисқартириш учун реал эса яратаяди.

Онлайн назорат-касса машиналари реал вақт режимда чекларни солиқ органларига узатади имконини берди. Бирок амалиёт кўрсатадики, айрим ҳолларда чек берилмаслиги ёки нақд пул орқали яширин ҳисоб-китоблар сақланиб қолмоқда. Шу боис, техник ечимлар билан бирга истеъмолчининг чек талаб қилиш маданиятини шакллантириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра, яширин иқтисодиётга қарши курашда фақат давлат ёки солиқ органлари эмас, балки истеъмолчи ҳам ҳал қилувчи роль ўйнайди. Агар фуқаро чек олмаса, нақд пул билан ҳисоб-китоб қилишни маъқул кўрса, у бевосита яширин иқтисодиётни қўллаб-қувватлаган бўлади.

Европа Иттифоқи мамлакатларида яширин иқтисодиётга қарши кураш йўли, аввало, жазолини солиқ текширувларидан эмас, балки истеъмолчи ҳуқуқларини химоя қилиш орқали бошланади. Агар тадбиркор олдиндан карта, QR-код ёки электрон тўлов усулини қабул қилишни бидирган бўлса, амалда бундан беш торса, бу ҳолат “чалғитувчи ёки адолатга зид савдо амалиёти” сифатида баҳоланади.

Бундай ёндашув истеъмолчи шикоят қилиш, компенсация талаб этиш ва назорат



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ Ўқиш учун QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Рақамлар ҳақиқий мазмун касб этиши керак

Юқоридаги таҳлиллар кўрсатадики, энг тўри ва самарали йўл жазо, рағбат ва рақамлаштириш механизмларини уйғун қўллашдир. Фақат назорат ёки жазога таянган сийсат қўтилган натижани бермайди. Аксинча, расмийлаштириш иқтисодий жиҳатдан манфаатли қилиш талаб этилади.

Аввало, савдо ва хизмат кўрсатиш субъектларининг қонунчиликда белгиланган нақд бўлмаган тўлов воситаларини қабул қилиши мажбурий экани аниқ ва бир маъноли норма сифатида мустаҳкамланиши лозим. Бу шаффофликни истисно эмас, балки иқтисодий муносабатларнинг умумий қондасига айлантиради.

Тўловлар фақат тадбиркорлик субъекти ёки солиқ тўловчи ном билан боғланган ҳисоблар орқали қабул қилиниши шарт. Шахсий карта ва учинчи шахс ҳисобидан фойдаланишни чеклаш яширин айланмаларни қисқартиришда муҳим аҳамият касб этади.

Нақд бўлмаган тўловлар улushi юқори бўлган тадбиркорлар учун солиқ маъмуричилигини соддалаштириш, текширувлар сонини қисқартириш, кредитлар ва давлат дастурларида устуворлик бериш каби рағбатлар самарали инструмент бўлиши мумкин. Бу расмийлаштириш мажбурият эмас, иқтисодий афзалликка айлантиради.

Агар ушбу сийсатлар босқичма-босқич жорий этилса, қисқа муддатда нақд бўлмаган тўловлар улushi ошади, статистик ҳисоб-китоблар аниқлашади. Ўрта муддатда солиқ базаси кенгайиши, ижтимоий суеурга қамрови сезиларли даражада ошади. Узоқ муддатда эса кузатилмайдиган иқтисодиёт улushi 30 фоиздан 20-22 фоиз атрофида пасайиши, давлат ва жаҳият ўртасида институционал ишонч мустаҳкамланиши мумкин.

Кузатилмайдиган — норасмий ва яширин иқтисодиёт ечим кечкатириб бўлмайдиган стратегик масаладир. Уни фақат назорат ёки жазо орқали эмас, балки истеъмолчи ҳуқуқларини химоя қилиш, рақамли тўловларни кенгайтириш, тадбиркорлар учун рағбатлар яратиш ва шаффоф статистика орқали ҳал этиш мумкин.

Энг муҳими, давлат иқтисодиётни “қаттиқ назорат қилиш” йўлини эмас, балки уни расмийлаштиришга манфаатли қилиш стратегиясини танлаши лозим. Ана шунда кузатилмайдиган иқтисодиёт пасаяди, расмий иқтисодий ўсши эса ҳақиқий мазмун билан тўлайди.

Кузатилмайдиган иқтисодиёт фақат иқтисодий кўрсаткичлар билан чекланмаган муаммо эмас. У сийсий ишонч, ижтимоий адолат ва давлат бошқаруви самардорлиги билан бевосита боғлиқ комплекс масаладир. Шу боис, уни бар-тараф этиш фақат солиқ органлари ёки алоҳида давлат идоралари зиммасига юкланмаслиги, балки давлат органлари, жамоатчилик, хусусий сектор ва халқаро ҳамкорлар ўртасидаги ўзаро интеграцияланган ҳаракатларни талаб қилади.

Рақамлаштиришни чуқурлаштириш, истеъмолчи ҳуқуқларини химоя қилиш, тадбиркорлар учун иқтисодий рағбатлар яратиш ва мақсадга йўналтирилган маъмурий чораларни қўллаш кузатилмайдиган иқтисодиётни қисқартиришда энг самарали ечимлар қаторига киряди. Бирок чоралар самара бериши учун улар шаффофлик, очиқ маълумотлар, оммавий мониторинг ва ишончли статистика билан уйғунлаштирилиши шарт.

Энг муҳими, давлат сийсати жазо ва рағбатни муносиб уйғунлаштирган, маҳаллий иқтисодий шароитлар, ҳудудий фарқлар ва техник имкониятларни ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич амалга оширилиши лозим. Ана шундагина иқтисодий фаолиятни соддан чиқариш мажбурият эмас, манфаатли танловга айланади. Бу эса янги Ўзбекистон учун барқарор иқтисодий ўсши, ижтимоий адолат ва институционал ишонччи мустаҳкамлашнинг энг тўри йўлидир.

Кузатилмайдиган иқтисодиёт иқтисодий ўсши сифатини белгилайдиган, ижтимоий адолатга таъсир қилувчи ва давлат билан фуқаро ўртасидаги ишонччи шакллантирувчи асосий омиллардан биридир. Мажур муаммони ҳал қилиш фақат солиқ ёки статистика эмас, балки давлат бошқаруви, рақамлаштириш, истеъмолчи ҳуқуқлари ва ижтимоий сийсат уйғунлиги масаласидир.

Агар иқтисодий фаолиятни яширишдан кўра расмийлаштириш фойдали бўлса, кузатилмайдиган иқтисодиёт табиий равишда қисқаради. Ана шунда расмий иқтисодий ўсши рақамлар эмас, ҳақиқий мазмун билан тўлайди.



Муносабат



МИС КЛАСТЕРИ ВА ЗАМОНАВИЙ МУҲАНДИСЛИК ТАФАККУРИ

Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида хомашёга йўналтирилган моделдан босқичма-босқич воз кечилиб, тайёр, юқори қўшилан қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга асосланган янги тараққиёт йўли шаклланимоқда. Бу жараён марказида мамлакат саноатининг локомотиви ҳисобланган рангли металлургия, хусусан, мис саноати муҳим ўрин тутаяди.

2026 йил 16 март куни Олмалик шаҳрида янги мис бойитиш фабрикаси (З-МБФ) биринчи навбатининг ишга туширилиши нафақат соҳада, балки бутун миллий иқтисодиётда муҳим ва тарихий воқеа сифатида қаёб этилди. Ушбу маросимда Президентимиз иштирок этгани лойиҳанинг юксак давлат аҳамиятига эга эканини яна бир бор тасдиқлади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мажур мажмуа шунчаки янги ишлаб чиқариш қуввати эмас, балки янги Ўзбекистон саноати салоҳияти ва замонавий ёндашувларининг амалий ифодасидир.

Фабриканинг ишга туширилиши мамлакатимизда рангли металлургияни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади. Айниқса, мис хомашёсини чуқур қайта ишлаш, экспортроп ва юқори қўшилан қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун мустаҳкам замин яратаяди.

Таҳлилларга кўра, янги фабрика ишга туширилиши натижасида йилга бир неча миллион тонна руда қайта ишланиб, мис концентрати ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ортиси кутилмоқда.

Олмалик кон-металлургия комбинати негизида амалга оширилаётган ушбу йирик лойиҳа доирасида умумий қиймати миллиард долларга тенг инвестиция жалб этилган. Бу эса мис ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5-2 баробар ошириш, экспортроп маҳсулотлар улushiни кенгайтириш ҳамда минглаб янги иш ўринларини яратиш учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Бугунги глобал иқтисодиётда мис оддий хомашё эмас, балки стратегик аҳамиятга эга ресурс сифатида баҳоланмоқда.



Суннатилла ҒОЙИБНАЗАРОВ, техника фанлари доктори

ва улурдан самарали фойдаланиш имкониятларини аниқ белгилаб олдик”.

Янги фабрика замонавий инновацион технологиялар ва илгор муҳандислик ечимларининг ёрқин намунасидир. Миллиардлаб долларлик инвестиция асосида қад ростилаб бу мажмуа юқори энергия самардорлиги ва экологик хавфсизлик кўрсаткичлари билан ажралаб туради. Лойиҳанинг асосий фалсафаси хомашёдан тайёр маҳсулотга бўлган тўлиқ қиймат занжирини шакллантиришдан иборат.

Таҳлилларга кўра, янги фабрика ишга туширилиши занжирли таъсир орқали янги



“Яшил иқтисодиёт”га ўтиш жараёнлари, электромобиллар саноатининг жадал ривожланиши ва қайта тикланувчи энергия манбаларига талаб ортиси миста бўлган эҳтиёжини кескин қучайтирмоқда. Масалан, битта электромобиль ишлаб чиқариш учун аънавий автомобилга нисбатан қарийб тўрт баробар кўпроқ мис талаб этилади. Тахминларга кўра, 2030 йилга бориб, жаҳонда ушбу металга талаб камида 40 фоиз ошади.

Бундай шароитда Ўзбекистон бой табиий ресурслари, хусусан, мис захиралари билан жаҳон бозорига нафақат хомашё етказиб бериши, балки юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи қудратли саноат марказига айланиш имкониятига эга. Мамлакатимиз мис захиралари бўйича минтақада етакчи ўринларни эгаллаши эса бу йўналишдаги стратегик устуликни янада мустаҳкамлайди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Кимки мис саноатида юқори қўшилан қиймат занжирини яратга ола, у келажак саноатини барпо этади. Қайси давлат ушбу хомашёни чуқур қайта ишлаш учун замонавий ва қучли инфратузилма яратса, у минглаб оилаларга барқарор даромад, ҳудудларга изчил тараққиёт, мамлакатга эса иқтисодий қудрат олиб келади. Шу боис, ислохотларимизнинг илк кунлариданоқ геология-қидирув ишларига алоҳида эътибор қаратиб, мавжуд захиралар

саноат кластерлари шаклланишига, электроника, машинасозлик ва энергетика тармоқлари учун зарур маҳаллий бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга мустаҳкам замин яратаяди.

Шу нуқтан назардан, Олмаликда ишга туширилган З-мис бойитиш фабрикаси нафақат иқтисодий ўсши, балки технологик ва илмий тараққиёт учун ҳам муҳим драйвер вази фасни бажаради.

Фабрика янги Ўзбекистон саноат сийсатининг ёрқин амалий ифодаси, иқтисодий ўсшининг муҳим нуқтаси ва инновацион ривожланиш платформаси ҳисобланади. Энг муҳими, бундай йирик лойиҳалар таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияни энди фақат табиий ресурсларга эмас, балки билим, инновация ва илгор технологияларга таянади. Олмалик тажрибаси эса мамлакат саноатини ривожлантиришга қаратилган яхлит ва самарали моделининг амалий намунасидир.



Бу йил баҳор фаслининг дастлабки ойи мамлакатимиз ҳаётида оламшумул воқеаларга бой бўлди. Хусусан, Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказининг очилиши, қайтадан бунёд этилган Имом Бухорий мажмуаси, муборак Рамазон ҳайити ва Наврўз айёми халқимизга янада кўтаринки рух, шоду хуррамлик ва шукроналик ҳиссини бахш этди.



ЯНГИЛАНИШ ФАСЛИГА МОНАНД БУНЁДҚОРЛИК ВА УЛУҒВОРЛИК ИФОДАСИ

Жорий йил 17 март куни Президентимиз Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказининг расмий очилиши ҳамда ифторлик маросимида иштирок этди. Тадбир аввалида давлатимиз раҳбари бутун халқимизни муборак Рамазон ойи билан яна бир бор қутлади. Ҳозирги гоат таҳликали замонада тинчлик нақадар улуг ва бебаҳо неъмат эканини, 38 миллиондан зиёд аҳолимиз ягона халқ, аҳил бир оила бўлиб яшаётгани энг катта бойлигимиз эканини чуқур ҳис этиш зарурлигини таъкидлади.



Бахтёр ПЎЛАТОВ,
Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети ректори, техника фанлари доктори, профессор

Рамазон ҳайити арафасида Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказининг очилиши нафақат халқимиз, балки бутун дунё мусулмонлари учун муносиб тўхфа бўлди. Ушбу бетакрор ва буюк мажмуа — мамлакатимизнинг уч минг йиллик шонли тарихи ва бой маданияти, янги Ўзбекистон имкониятларининг ёрқин кўзгуси.

Президентимиз таъкидлаганидек, бу маскан билан танишган ҳар бир одам, халқимиз, айниқса, ёшларимиз ислон динининг гуманистик моҳиятини англаб етати, Ўзининг қандай улуг мерос эгаси эканини ҳис этиб, қалби гуруру ва ифтихорга тўлади.

Ислон цивилизацияси маркази 2025 йилнинг ўзидек миғлаб хоржий муҳмонларда катта қизиқиш уйғотгани, улар орасида қатор давлатлар Президентлари, парламент ва ҳукумат раҳбарлари, депутат ва сенаторлар, вази́рлар, элчилар, илм-фан ва жамоат арбоблари, диний ташкилотлар раҳнаомлари борлиги эътирофга молик. Лойиҳалаш, куриш ва замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозлашда Франция, Хитой, Буюк Британия, АКШ, Ўзбекистон Араб Амириклари, Россия, Туркия, Германия, Испания, Италия, Малайзия, Озарбайжон, Саудия Арабистони, Хиндистон, Марказий Осиё давлатлари ва бошқа мамлакатлардан малакали мутахассислар қатнашгани ҳам иншоотнинг маҳобатида далолат беради.

Президентимизнинг Пайриқ туманида қайтадан бунёд этилган Имом Бухорий мажмуасига ташрифи ҳам юртдошларимиз ва дунё мусулмонларининг эътибори марказида бўлди. Янги Ўзбекистоннинг дурдонаси бўлган бу мажмуанинг қоқ марказидан буюк ҳадисшунос бобоимизнинг табарруқ мақбараси ўрин олган. 14 та мовий гўмба, 75 метрли 4 та минора қадамгога улугвор қиёфа бағишлайди.

Имом Бухорий мажмуасида улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари бажарилиб, зиёратчилар учун ҳар томонлама қулай шартон яратилди. Натигада илгари зиёратгоҳда бир кунда 12 минг кишига хизмат кўрсатилган бўлса, ҳозир кунига 65 минг зиёратчини қабул қилиш қувватига эга бўлди. Мажмуа ҳузурда туризм маркази очилди. Ёндош 15 гектар майдонда замонавий инфра-тузилма, шинама меҳмонхоналар, хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилди. 10 минг кишига мўлжалланган улкан масжид, маъмурият биноси, 154 устуғли, миллий услубдаги мухташам айвон қурилди.

Наврўз бу йил ана шундай буюк тарихий воқеалар билан бирга муборак Рамазон ҳайити билан уйғун келгани алоҳида аҳамият касб этди. Бутун юртимиз бўйлаб нишонланган байрам шодиданалари “Наврўзни улуглаш — инсонни улуглашдири!” деган эзгу тамойилга ҳамоҳанг бўлди.

Наврўз табиатнинг янгилаенишига монанд инсон қалбидаги эзгу ниятлар, саховат

эътибор қаратиш бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳим.

Бу жиҳатлар Президентимизнинг шу йил 23 март куни экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида 2026-2030 йилларга мўлжалланган устувор умуммиллий лойиҳалар юзасидан тақдирот билан танишувда ҳам алоҳида қайд этилди. Тақдиротда атмосфера ҳавосининг сифатини яхшилаш, шаҳар ва ҳудудларда яшил майдонларни кенгайтириш, экологик таълим ва маданиятни юксалтириш, шунингдек, чўланишига қарши курашининг илмий ва амалий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслар кўриб чиқилди.

Эътиборли жиҳати, пойтахтимизда Миллий дендрология боғини барпо этиш концепцияси тақдироти ҳам ўтказилди. 108 гектар бўлиши белгиланган ушбу йилги яшил ҳудудда 50 минг туп дархат кўчати ва 100 минг туп бута экилиши назарда тутилмоқда. Табиийки, бундай катта ҳажмли “табиат ўпкаси”га эга парк биологик хилмаҳиллигини сақлаш, ҳаво сифатини яхшилаш, углерод ютилишини ошириш, илмий тадқиқот ва селекция ишларини йўлга қўйиш, шунингдек, шаҳар микроклимининг соғломлаштиришига хизмат қилади. Содароқ айтганда, боғ ҳаво ҳароратини 2-4 даража пайсатриб, намликни 10-15 фоиз ошириши мумкин.

Қайд этилганидек, Миллий дендрология боғи фақат кўкаламзор ҳудуд бўлмайдди. Бу ер илмий, маърифий ва жамоатчилик макони сифатида ҳам шакллантирилади. Боғнинг марказий қисмида 1 гектарли сунъий кўл ва атрофида сакура боғи барпо этилади. Бу ер университетини усун табиий лаборатория, аҳоли учун эса биотуризм ва экоатланиш марказига айланади.

“Экомоданят” умуммиллий лойиҳаси доирасида экологик таълим, илм-фан ва тарғиботни ўзаро боғлаган ҳолда янги тизим яратилади. Мазкур соҳада халқаро стандартларга мос мутахассислар етиштирилади, аҳоли ўртасида экологик онг ва барқарор одағлар ҳали етарли даражада шаклланимагани, инновация ва иқлим технологияларини амалиётга жорий қила оладиган кадрлар тақчиллиги муносабати билан бу йилдан бошлаб 14 ҳудудда “яшил техникумлар” ташкил этилиб, улар ҳам

университетимиз тизимига академик ҳамкорлик асосида бириктирилиши белгиланди.

Лойиҳага кўра, тайёрланадиган ўқувчи ва талабалар сонини йил сайин оширилиб, 2028/2029 ўқув йилига бориб, 10 мингга етказилади. Бакалаврият ва магистратурада атроф-муҳит ва барқарор бошқарув, “яшил иқтисодиёт”, атроф-муҳит муҳандислиги, иқлим ўзгариши, чўланишига қарши курашиш, барқарор шаҳарсозлик, барқарор энергия алмашинуви каби янги йўналишлар очилади. Таълим жараёнида дуал тизим жорий қилиниб, назарий билим билан амалиёт уйғунлаштирилади. Университет таълим тизимини ривожлантириш, илмий-инновацион лойиҳалар ва тарғибот ишлари учун катта миқдорда маблағ ажратилиш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, тақдиротда чўланишига қарши кураш стратегияси лойиҳаси ҳам алоҳида кўриб чиқилди. Ушбу лойиҳага алоҳида тўхталётганимиз боиси шуки, мазкур йўналиш бўйича университетимизга катта масъулият юклянди. Хусусан, юртимиз ҳудудининг 70 фоизи арид (жуذا қуруқ иқлимга эга) зонадан иборат. Ернинг 70 фоиздан ортиги деградацияга учраган. Бу иқтисодиётга ҳар йили 830 миллион доллар зарар келтирмоқда. Орол денгизининг куриши натижасида 3 миллион гектар майдон ярқис ҳолга келган ва ҳудуднинг 56 фоизи шомол эрозияси таъсири остида қолган.

Шу муносабат билан университетимиз ҳузурда минтақавий кўшма илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш тақлиф қилинди. Ушбу марказ чўланишини бошқариш бўйича Марказий Осиёдаги биринчи илмий ҳабага айланishi кутилмоқда. Марказ таркибиде 15 та ихтисослашган лаборатория фаолият юритади. Сунъий йўлдош маълумотлари, GIS ва масофадан зондлаш технологиялари асосида ер ҳолатини рақамли мониторинг қилиш йўлга қўйилади. Қурғоқчиликка чидамли ўсимликлар бўйича генетик банк шакллантирилади. Турпоқнинг кимёвий ва физикавий таҳлил тизими тақдироти қилинади. Натигада чўланишнинг прогноз қилиш ва хариталаш миллий тизим яратилади. Оролбўйи ва қурғоқчил ҳудудларда яшил қоплама ҳудуди кенгайтирилади. Йилловлардан барқарор фойдаланиш ҳамда чўл иқтисодиёти моделлари жорий этилади.

Келажада ҳамма соҳа экология билан ҳамоҳанг бўлади. Президентимизнинг 2023 йил 31 майдаги қарори асосида ташкил этилган Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университетида замонавий экологик йўналишлар қамраб олинган. Мазкур олий таълим муассасаси бутун фаолияти атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, барқарор ривожланиш ва иқлим ўзгаришлари соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга қаратилган минтақадарги илк ихтисослашган университетдир. Олийгоҳда атроф-муҳит ва барқарор бошқарув, атроф-муҳит ва иқтисодиёт, экология ва давлат бошқаруви, барқарор ривожланиш, барқарор молия, экология ҳуқуқи, атроф-муҳит соҳасида оммавий коммуникациялар йўналишлари очилган. Ўқув жараёни кредит-модуль тизими асосида ўзбек, рус ва инглиз тилларида олиб борилади.

Зеро, ёшларимизнинг экология йўналишлари бўйича олий маълумот олиши, билимли, малакали ва рақобатбардор кадрлар бўлиши табиатни асраш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, давлат ва жамият ривожини учун муҳим аҳамият касб этади.

Конференция

ИЛМИЙ ДИПЛОМАТИЯ РИВОЖИ

ХАЛҚЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ БИРОДАРЛИК РИШТАЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Кейинги йилларда Марказий Осиё минтақасида сиёсий, иқтисодий, маданий алоқалар билан бирга илм-фаннинг турли соҳаларида ҳамкорлик янги босқичга кўтарилмоқда. Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан ташкил этилган Ўзбекистон ва Тожикистон олимларининг илмий-амалий конференциясида бу яна бир бор исботини топди.



Ушбу нуфузли тадбир икки мамлакат ўртасидаги илмий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашиш ҳамда кўшма инновацион лойиҳаларни ривожлантиришига хизмат қилиши билан аҳамиятли.

Академиклар, етакчи олимлар, ёш тадқиқотчилар иштирок этган илмий-амалий конференцияда физика, математика ва техника фанлари йўналишларида ҳамкорлик истиқболлари кўриб чиқилди. Юқори технологиялар ва фундаментал илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилди.

— Азалдан илм-фаннинг барча йўналишларида Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар мустаҳкам бўлиб келган. Сунгги йилларда илмий муносабатлар янги мазмун билан бойиб бормоқда, — деди Тожикистон Миллий Фанлар академияси вице-президенти, филология фанлари доктори, профессор Муҳаммаддодов Саломийён. — Кейинги даврда Ўзбекистон фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтлари, илмий марказлари билан муносабатларимиз анча ривожланди. Келгусида ижтимоий-гуманитар фанлар ҳамда сиёсий-иқтисодий ҳаётнинг барча жаҳдаларида ўзаро яқин ва манфаатли ҳамкорлик халқларимиз ўртасидаги дўстлик янада мустаҳкамланишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Конференция доирасида ялли мажлислар, шўба йиғилишлари, илмий маърузалар тақдироти ва очиқ мунозаралар ташкил этилди. Шунингдек, иштирокчилар ўртасида тажриба алмашиш, илмий алоқаларни йўлга қўйиш ҳамда кўшма тадқиқот лойиҳаларини шакллантириш имконияти яратилмоқда.

Мазкур анжуман икки давлат ўртасидаги илмий дипломатияни ривожлантириш, илм-фан интеграциясини чуқурлаштириш ҳамда минтақавий барқарор тараққиётга хизмат қилувчи инновацион ечимларни илгари суришда муҳим аҳамият касб этади.

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — ТЕНГЛИК ВА ИШОНЧ АСОСИ

Тўртқўл туманида яшайдиган Тўхтабой Ўриновнинг ногиронлиги бор. Аммо у уйда бекор ўтиришни истамай, “Алкен тижорат” мебель ишлаб чиқариш корхонасида хунар ўрганипти. Қаҳрамонимиз махсус дастур доирасида ишга мослашмоқда.




Инсон қадри учун

Президентимиз 2025 йил 8 май куни “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш тизимини тақомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонини

имзолаган эди. Мазкур ҳужжат асосида “Алкен тижорат” МЧЖ раҳбари Азизбек Кенжаев гапириб ва эшитишида нуқсон бўлган 20 шахсни корхонага ишга қабул қилмоқчи.



Президентимизнинг 2025 йил 3 февралдаги “Ногиронлиги бўлган болаларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизимини янада тақомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори ижтимоий кўмакка муҳтож болажонлар ва уларнинг ота-оналари учун яхши имконият бўлди. Хусусан, 2025 йил 1 июлда Тўртқўл туманида давлат-хусусий шериклик асосида фаолият юритаётган “Мунира-Моҳира” боғчасида кундузги парваршиш хизмати ташкил этилган эди. Ҳозир 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган 9 бола кундузги парваршиш хизмати билан қамраб олинган.



Янги учта тадбиркор ўзгалар парваршишига муҳтож 92 кишига уйда қараб туриш, тиббий реабилитация, кундузги қараб туриш ва шахсий ёрдамчи хизматларини кўрсатмоқда.

— Асосий мақсадимиз ногиронлиги бўлган шахсларнинг нафақат моддий қўллаб-қувватлаш, балки жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашидир, — дейди

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бу хатни ҳам воқеалар қаерда, қайси манзилда бўлганини бир оз пардалаб эълон қилдик. Нотаниш синглизми болаларни етим қилмасликка ундадик. Орадан кўп ўтмай жавоб хати олдик. Унда биргина жумла ёзилган эди, холос: “Борди-ю бу воқеа сизларнинг сингилларингиз билан содир бўлганида, оиласига қайтиб боришни маслаҳат берган бўлармидингиз?”.
Бу саволга жавоб ёзиш қўлимиздан келмади.

Кўнгилда гунчалаган тўғилар

Дилдаги гаплар

Ўғри

Адабиёт газетаси тахририятига йўлланган бир мактубда баён қилинган воқеани орадан анча йиллар ўтган бўлса ҳам унутолмайман. Ҳовлида изғиб юрган ҳаққа, қарға, олақанот ва бошқа қўшларга кўзим тушиди дегунча, ёдимга тушади. Мактуб муаллифи сирли “Ўғрилик” туфайли оиласидан ажраган, бадном бўлган бегуноқ келинчақ. Мана, ўша мактуб.

“Катта ҳовлига йўл келин бўлиб тушганман. Кеч куз эди. Қайнотам ва қайнонам ҳаж ибодатини адо этиб қайтди. Ҳама уларни зиёрат қилгани келди. Уйимиз икки-уч кун меҳмонлар билан тўлди. Эртадан кечга-ча дастурхон атрофи тўла одам. Қозонимиз тинимсиз қайнади.

Ҳаммани кузатиб бўлгач, хоналарни йиғиштира бошладик. Мен, икки қайсингим, кўшни аёллар тиним билмай ишладик. Ҳамма нарсани жой-жойига қўйиб бўлгач, катта қайсингим кутилмаганда жазавага тушиб, “Тилла тақинчоқларим йўқолди, ким олган бўлса, қайтариб берсин. Бўлмаса, шармандасини чиқараман”, деб шовқин кўтарди.

Хангу манг бўлиб қолдик. Ҳовлидаги тош ўчоқда сув иситиб, идишларни юваётгандик. Айтишчи, у қўлидаги тақинчоқларини шу ерга ечиб қўйган экан. Осмонга учдим, ернинг тагига кириб кетдим, ҳеч ким билмайди. У ерга биздан бошқа ҳеч ким борган эмас. Ҳамма менга қаради. Мен эса кимга қарашини билмайман. Қидирмаган жойимиз қолмади, аммо топа олмадик. Хуллас, тақинчоқларни мен ўғирлаган бўлиб чиқдим.

Бу гап ўша кунлик маҳаллада ўрмалди. Кўчага чиқа олмай қолдим. Миш-миш авжига чиқди. Мактабдан келатган болалардан бири менга эшиттириб, “Ана, ўғри келин”, деди. Уйимдагилар келди. Қайнотам “Хўш, келин олган бўлса, ким олади?” деди. Қайнонам фолбин аёлга бориб, кўрсатган экан, “Тақинчоқлар йўқолмаган, яшириб қўйилган”, деди. Бу гапдан кейин кўзимга икки олам қоронғи бўлиб кўринди, болаларимни етаклаб, уйдан кетдим.

Орадан уч-тўрт ой вақт ўтди. Аслида, уч-тўрт ой эмас, мен учун минг йил ўтди, деса ҳам бўлаверди. Худодан умид қилиб юрдим, бошқа иложим йўқ эди. Ниҳоят, бир кун...

Баҳорнинг бошлари эди. Турмуш ўр-тоғим ҳовли четидики кекса ёнқоқнинг тарвақайлаб кетган шохларини кесиб учун тепасига чиққан экан, қарға улардан бирида бир нималар яттиллаб турган эмиш. Қараса, кичик-кичик ойна синиклари ва... Ўша йўқолган тақинчоқлар. Хурсанд бўлганидан



дарахтдан йиқилиб тушай дебди. Тақинчоқлар топилди, дея уйимизга суюнчилаб келишди. Аммо бу хушxabар менга ҳам, ота-онамга ҳам тарикчалик тас-сир қилмади. Ёнқоқли ҳовлига қайтиб боришдан кўра, дўзахга кирганим афзал, дедим...

Бу хатни ҳам воқеалар қаерда, қайси манзилда бўлганини бир оз пардалаб эълон қилдик. Нотаниш синглизми болаларни етим қилмасликка ундадик. Орадан кўп ўтмай жавоб хати олдик. Унда биргина жумла ёзилган эди, холос: “Борди-ю бу воқеа сизларнинг сингилларингиз билан содир бўлганида, оиласига қайтиб боришни маслаҳат берган бўлармидингиз?”

Бу саволга жавоб ёзиш қўлимиздан келмади.

Авал

Ўқувчилик йилларим дадам билан бир хонали уй қурганим. Томи ёпилгач, унинг ичини сувоқ қилдиш учун дадам Абдуназар қорини айтиб келди. Бухородаги катта мадрасада таълим олган бу донишманд киши ўша йиллари бир сабаб билан қишлоғимизга келиб, шу ерда муқим яшаб қолган. Қуръон тиловатида пешқадам бўлса-да, бунга ошкор қилмай, ким иш айтса, йўқ демасди. Биров бир гапни бузиб бутунлай тескарисини айтса ҳам “Э, шунақа эканми, бай-бай, қаранг-а, биз — аҳмоқлар мадрасида уламолар бошча тушуштиришса, ишониб юраверган эканми-да”, деб қўярди. “Бува, нотўғри гапиряпти-ку”, десангиз, “Ҳа, адашяпти, аммо изза ҳаром, тўғриси эшитаверса, ўзи тўғрилади”, дерди.

Лой етилгач, мен уни ийлаб, ҳовчимда қори бувага узатган, у киши сув сепилган деворга чаплайди. Ёшлиқ қилиб бир нималарни сўрасам, тушунтириб беради. Бир пайт ҳовлимизга тоғда яшайдиган чўпонлардан бири кириб келди. Ўша кунлари Ўнҳаятда яшайдиган қариндошимиз Адашвой тоға оламдан ўтган эди, чўпон қори бувани танимай, марҳумнинг руҳига ўзи билганча тиловат қилди-да, нонга оғиз теккизиб, ўр-нидан турди.

Чўпон кетгач, мен бувага чўпоннинг тиловатида хатолари борлигини айтганим, у киши “Майли-майли, шунақа жоддан ният қилиб келибди, хатони тузатса бўлади, ниятда гап кўп, қани, лойдан узатин”, деди. Бу гапнинг маъносини англаш учун кўп китоб варақладим. Ҳазрат Навоий “Амалларнинг боши — ниятнинг холислигида. Ният холис, кўнгли тоза бўлмас экан, фақихлик каби шарофли касб ҳам номаи аъмолийнинг гуноҳлардан холи бўлишига қафолат беролмайди”, деган экан.

Чўпон кетгач, мен бувага чўпоннинг тиловатида хатолари борлигини айтганим, у киши “Майли-майли, шунақа жоддан ният қилиб келибди, хатони тузатса бўлади, ниятда гап кўп, қани, лойдан узатин”, деди. Бу гапнинг маъносини англаш учун кўп китоб варақладим. Ҳазрат Навоий “Амалларнинг боши — ниятнинг холислигида. Ният холис, кўнгли тоза бўлмас экан, фақихлик каби шарофли касб ҳам номаи аъмолийнинг гуноҳлардан холи бўлишига қафолат беролмайди”, деган экан.

Чўпон кетгач, мен бувага чўпоннинг тиловатида хатолари борлигини айтганим, у киши “Майли-майли, шунақа жоддан ният қилиб келибди, хатони тузатса бўлади, ниятда гап кўп, қани, лойдан узатин”, деди. Бу гапнинг маъносини англаш учун кўп китоб варақладим. Ҳазрат Навоий “Амалларнинг боши — ниятнинг холислигида. Ният холис, кўнгли тоза бўлмас экан, фақихлик каби шарофли касб ҳам номаи аъмолийнинг гуноҳлардан холи бўлишига қафолат беролмайди”, деган экан.

Бақатерак

Бу ёруғ оламга келган ҳар бир инсоннинг шахсий ҳаёти, яхши-ёмон кунлари бўлгани каби бошқа жонотлар, дов-дарахтар, улкан бино ва иншоотлар ҳам ўзига яраша тариху тақдирга эга бўлади деган гапни эшитганимиз?

Раҳматли дадам 82 йил умр кўрди. Катта акам Умаржон ҳофиз “Худо хоҳласа, дадамнинг ёшига етаман”, дерди. Нияти ижобат бўлди.

Шаҳар

Талабалик йилларим раҳматли дадам бир марта Тошкентга олма сотгани келган. Ўша йили ҳовлимиздаги олмаларнинг шохи ҳосилдан эғилиб, тиркач ёғоч роса керак бўлган экан. Дадам “Олой” бозорида уч кун савдо қилиб, тўртинчи кунни бир нимадан хафа бўлиб, қолган олмани олиб-сотарларга улгуржи бердию, қишлоққа

қайтадиган бўлди. Поездга ўтираётганида “Дада, яқшанба кун Тошкентни айлантирмоқчи эдим (у пайтлари университетда бир соат ўқишдан қолиш мумкин эмас эди), олманинг қолганини арзонгаров бериб юбординг десам, “Э, ўғлим-ей, Тошкент менга ёқмади. Уч кун олма сотдим, бир киши эҳсонга демади-я! Ҳаммаси “Яхши-сидан беринг, балнисига обораман”, дейди. Яхшисини териб-териб берсам, қолганини оладиганларнинг ҳақиқа хиёнат қилган бўламан-ку. Эҳсонга деса, савобга қўшилиб қолай деб бир-иккита қўшиб бермоқчи эдим. Нима бало, шаҳарда ҳамма касалми?”, деди.

Нима демоқчи бўлганини кейинроқ — таштилга борганимда ўздан сўраб олганман.

Бозорда савдо қилиш қондасини дадам юсонсойлик мулла Жўра охундан эшитган экан. “Олма сотасизми, нокми, гўшт ёки бугдойми — паллани тўғри қўйинг ва тўғри келтиринг; — деган экан бу донишманд инсон. — Фалон сўмга бай очдингизми (яъни келишингизми), паллани шунга тўғрилган. Оғир қилманг, савдо бузилади. Агар шайр қилмоқчи бўлсангиз, сотаётган нарсангизни палладан олиб, харидорнинг идишига солиб беринг ва “Мана буниси биздан сизга совға, дуо қилиб қўясиз”, денг. Шундай қилсангиз, савоб иш қилган бўласиз”.

Биз томонларда хали ҳам шундай. Эҳсон охирида қовун-тарвуз, мева-чевани етиштирган деҳқону боғбон ҳақиқа дуо қилнади. Косонсойда бирор нарсани хайри билан сотиш хали ҳам сақланган. Шаҳарда бўлса... ҳамма “касал”.

Дўғри

Шоир Муҳаммад Юсуфнинг дўғри ҳақидаги машҳур шеърини эслайсизми? Бу шеър бошидан асло дўғри тушмайдиган адиб Муроджон Мансуровга бағишланган эди.

Кўплар бу шеърни еддан ўқийди. Анча аввал ёзилган бўлишига қарамай, унинг сода, халқона сатрлари худди бугун ёзилгандай тасвирчан жаранглаб туради. Йиллар ўтгани сайин шеърнинг маъно-моҳияти янада очилиб бормоқда. Бунинг боисини кезида ёққан эмас, шеърнинг ўзидан ахтариш керак. Дўғри асли нима учун қийилади? Бугун атрофингизга бир қаранг — дўғрили болаларни қаерда учратиш мумкин? Ўйи ёки азада!

Эрталаб соқолни қиртишлаб, сочни тараб, бўйинбоғни тақиб, жомадона тахи бузилмай ётган дўғрингизни қийиб ишга келинг-чи. Энг яқинларингиз ҳам “тинчликми?” дегандай сизга сергақланб қарайди.

Бир гал Муҳаммад Юсуфга шу мулоҳазаларни айтиб, шеърдаги “Бош қолмади дўғрига лойик” сатрини “Бел қолмади, белбоққа лойик”, дея ўзгартириб, лутф қилган эдим, шоир дарҳол жавоб қайтарди:

— Дўғри, белбоғ... Эрақларни қўя турайлик, аёллар ҳам кўп нарсалардан воз кечди, аммо ҳаммасини савоб солиб бўлмайдими-да, ака...

ЙИГИТЛАРИМИЗГА ИШОНАМАН

Газетхон мактуби

Футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг жаҳон чемпионатида қизиқарли беллашуларига санокли ойлор қолди. Барчамиз уларнинг мағрур саф тортганча мадҳиямизни завқ-шавқ билан куйлаётган лаҳзаларни интиқлик билан кутяпмиз.

Қуръа ташлашиб, рақибларимиз аниқлангач, бир-икки давралардаги тортишувлар туфайли кўнглим бир оз хижил тортиди. Бизга ниҳоятда кучли рақиблар тушганмиш, Роналду каби футбол усталари билан беллашув осон бўлмасмиш. Очиги, бундай идиолардан ҳайрон бўламан. Тан олиб айтганидан бўлсак, йигитларимиз сараларнинг сараларини доғда қолдириб, бундай маррага етиб келди. Биз уларни қўллаб-қувватлаб турсак бас, қолганини ўзлари эплашади.

Шу ўринда ўқувчилик йилларимдаги бир воқеа ёдимга тушиди. Болалар ва ўқувчилик йилларим Чуст шаҳрида ўтган. Ўша пайтда 4-мактабимизда қўл тўпи жуда оммалашганди. 1979 йилда шаҳар мактаблари ўртасида ташкил этилган спартакиада ўйинларида қўл тўпи бўйича финалга чиқдик.



Жисмоний тарбия ўқитувчимиз Раҳимжон ака Нурматов ҳамроҳликда ярим соат олдинроқ ўйингоҳга кириб бордик. У ер томошабинларга тўлиб кетганди.

Рақибларимиз мактаби ўйингоҳга яқинлиги боис, улар майдонда эмин-эркин юрганича чигилёзди машқларни бошлаб юборганиди. Аксарияти бизга нисбатан гавдали, ўзларига бўлган ишонч ҳар бир ҳаракатларида яқол сезилиб турарди. Уларни бир оз кузатган бўлиб, майдоннинг бўшроқ томонида биз ҳам машқи бошлаб юбордик.

Уйин бошланганда бир нарсга эътиборимни тортди. Томошабинларнинг асосий

қисми рақибларимизни қўллаб-қувватлашга ётганди. Бу ҳам муайян маънода бизга зарба бўлди. Шунга қарамай, биринчи бўлим 8:8 ҳисоби билан якунланди. Тушкун кайфиятда танаффусга чиқдик.

Устозимиз Раҳимжон ака ниҳоятда сез-гир ва зукко эди. Ҳар қандай шароитда ҳам болаларни руҳан тетиклаштиришнинг унда-сидан чиқ оларди.

— Болалар, — деди у бегона одам йўқми-кан деган ўйда ён-атрофга бир қараб олиб. — Мен ўз фозис ишонч билан айта оламан. Маҳорат борасида сизлар рақибингиздан бир қарич устунсизлар. Энди бир иш қиламиз. Уларнинг

тўртинчи рақами уинчисига умуман имкон бермаслигимиз керак. Қўриб турибсизлар, қўлига тўп тушиди деганича гол уряпти. Сен, деди менга қараб, қўлига тўп бўлса-бўлмаса, унинг олдиндан бир қарич ҳам жилмайсан. Шундай қилинчи, унинг майдонда бор-йўқлиги билинмасин. Яна бир гап. Ҳаммаларнинг бирданга эмас, битта-битта ўнг томондаги томошабинлар томон қаранглр. Оппоқ яхтак кийган, соқоли кўксига тушган тўртта отахон ўтирибди. Маҳалламиз оқсоқоллари. Мабодо ўйинни бой берсан, уларнинг кўзига қандай қарайсизлар.


Назаримда, отахонлар атай томоша учун келмаган. Уйингоҳнинг ён томонидаги жоме

масжидига ибодат учун келиб, йўл-йўлакай қизиқиб туфайли кирган. Шундай бўлса-да, улар таширидан кўнглимиз тоғдай кўтарилди.

Иккинчи бўлим олдиндан илгари ҳис қилмаган аллақандай туйғуларни туйғандек бўлди. Маҳалла ва мактаб шарофини ҳимоя қилишдек масъулият ва ишонч, ўн беш-ўн олти яшар биз ўсмирларга қанот бағишлагандек эди. Иккинчи бўлимда гўёки “учиб юрдик”. Яна саккиз марта рақиб дарвозасини ишгол қилдик. Улар эса уч марта зўрға тўп киритишга эришди, холос. Қизик жиҳати, томошабинлар ёппасига бизни олқийлай бошлади.

Салкам эллик йил олдинги хотиралар кўз олдимдан кино тасмасидек ўтаркан, кўнглимни аллақандай ишонч ва хотиржамлик чулғаб олгандай бўлди. Бугун миллионлаб ватандошимиз жаҳон чемпионатида футболчиларимизни дуо қилиб, қўллаб-қувватлашади. Кўпнинг ишонч ва умиди йигитларга қанот бўлишига шубҳа йўқ. Улар янги Ўзбекистон дувругини дунёга танитишдек улкан имкониятни қўлдан бермайдилар. Мен жамоамизга бутун борлигим билан ишонаман ва ўша фараҳли лаҳзаларни интиқлик билан кутаман.

Юсуф ФАЙЗУЛЛО,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНИБ ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКҲҮР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.